

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5231100 – Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар
(ташқи иқтисодий фаолият)* бакалаврият таълим йўналишининг давлат
таълим стандарти

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт по направлению
бакалавриата *5231100 – Мировая экономика и международные
экономические отношения (внешнеэкономическая деятельность)*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсуфтаълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
Давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти

*5231100 – Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар
(ташқи иқтисодий фаолият) бакалаврият таълим йўналишининг давлат
таълим стандарти*

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсустаълим вазирлиги

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» март даги 84 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

МУНДАРИЖА

Т/р		Бет
1.	Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари.....	1
2.	Қўлланиш соҳаси.....	2
3.	Атамалар, таърифлар, қисқартмалар	3
4.	Таълим йўналишининг тавсифи.....	3
5.	<i>5231100 – Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи	4
6.	Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.....	5
7.	Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари.....	26
8.	Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар	40
8.1.	Бакалаврият асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар	40
8.2.	Таълим дастурининг татбиқ этилиши	41
8.3.	Малака амалиётини ташкил этиш талаблари	41
8.4.	Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар	42
8.5.	Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари	42
8.6.	Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар	43
9.	Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш	44
10.	Эслатма	44
11.	Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати	45
12.	Илова	46
13.	Библиографик маълумотлар	47
14.	Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари.....	48

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
Давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
5231100 – Жаҳон иқтисодий ва халқаро иқтисодий муносабатлар
(ташқи иқтисодий фаолият) бакалаврият таълим йўналишининг
давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт высшего образования
бакалавриата 5231100 – Мировая экономика и международные
экономические отношения (внешнеэкономическая деятельность)**

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan

State Educational Standards of Higher Education

**State Educational Standard on the level of bachelors of 5231100 – World
Economy and International Economic Relations (foreign economic activities)**

Амал қилиш муддати «25» 09 201_ йилдан

«_» _____ 201_ йилгача
рес.дом.лазам

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги «Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассислари

Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида»ги 302-сонли буйруғи.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 23 сентябрдаги “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-474-сон фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 майдаги “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 225-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 190-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 281-сонли буйруғи.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 446-сонли буйруғи.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 158-сонли буйруғи.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сон Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1942-сонли Қарори.

2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) 5231100 – *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият) таълим йўналиши* бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштиришни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2 Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда, асосий таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3 ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъуллар – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

таълим йўналиши – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган “бакалавр” академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, уқувлар ва кўникмалар комплекси;

касбий фаолият объекти – предметлар, воқелиқлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

бакалаврият - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билимлар берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури) – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блоklarга жамланган рўйхати;

ўқув-ўрганиш натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи.

ДТС – давлат таълим стандарти;

АРМ – ахборот ресурс маркази;

ИТИ – илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ – олий таълим муассасаси.

4. Таълим йўналишининг тавсифи

4.1. 5231100 – *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият)* таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрловчи олий таълимнинг таълим

дастурлари амалга оширилади, уни назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилди

4.2. Таълим дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даража) си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалаврият таълим дастури	Бакалавр	5 (4) йил

5. 5231100 – Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5231100 - Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият) - иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида, давлат бошқаруви органларида, ташқи иқтисодий фаолият кўрсатувчи турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатувчи қўшма корхоналарда, банкларда, ташкилот ва корхоналарда ташқи иқтисодий фаолиятга оид масалалар мажмуини қамраб олади.

Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- жаҳон иқтисодиётини тавсифловчи асосий омиллар ва уларнинг моҳияти, тарихий ривожланишининг асосий босқич ва сабабларини тадқиқ этиш;
- жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятларини алоҳида мамлакатлар ва минтакалар тараққиётига таъсирини таҳлил қилиш;
- ривожланган мамлакатларда капитал жамғарилишининг истиқболларини тадқиқ қилиш ва муаммолар ечимини излаш;
- мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотини аниқлаш;
- бизнес самарадорлигини баҳолаш;
- хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш;
- ишлаб чиқариш маҳсулотлари таснифи ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш;
- жаҳон миқёсида Ўзбекистон Республикасининг обрў-эътибори, тутган мавқеини мустаҳкамлаш;
- тизимли ёндашув механизмларини татбиқ этиш;
- компьютер технологиялари ва дастурланиши.

5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари

5231100 - Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият) таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари - жаҳон хўжалиги ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча соҳалари, шунингдек, халқаро банк, молия ва савдо муносабатлари, жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш омилларининг кўчиб

юриши ҳамда жаҳон иқтисодиётидаги ва халқаро иқтисодий муносабатларда кечаётган жараёнлар ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири.

5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари:

- амалий ишлар;
- илмий-тадқиқот;
- ташкилий-бошиқарув.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

5.4. Касбий мослашув имкониятлари:

5231100 - Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият) таълим йўналишини тугатган бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади

5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5231100 - Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A231101 – Жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)
 - 5A231102 – Ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича)
- магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр ўрнатилган тартибда олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларида мустақил изланувчи сифатида ўқишни давом эттириши мумкин.

6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6.1. 5231100 - Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:

а) умумий талаблар:

Бакалар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётгй нуқтан назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассавур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш қобилиятига эга бўлиши керак.

б) касбий талаблар:

Амалий ишлар фаолиятида:

– ихтисосликнинг муайян соҳаси билан боғлиқ бўлган асосий объектларни, ҳодиса ва жараёнларни билиши, уларни илмий-тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланиш, ташқи иқтисодий масалаларда эркин мушоҳада юритиш, жаҳон миқёсида Ўзбекистон Республикасининг обрў-эътибори, тутган мавқеини мустаҳкамлаш; зарур қарорларни ўз вақтида қабул қила билиш;

– ўз ихтисослиги ва касбий фаолияти доирасида олинган билимларни Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти билан боғлиқ амалий, тадқиқий ва услубий вазифаларни ечиш;

– талаба халқаро корпорацияларнинг ҳозирги жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти ва ролини аниқлаш, халқаро капитал миграциясининг сабабларини белгилаш, ривожланган мамлакатларда капитал жамғарилишининг истиқболларини тадқиқ қилиш ва муаммоларини ечимини излаш, ҳозирги жаҳон хўжалигининг етакчи марказлари иқтисодиёти ривожланиш хусусиятлари ва халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини аниқлаш, ташқи иқтисодий масалаларда эркин мушоҳада юритиш, жаҳон миқёсида Ўзбекистон Республикасининг обрў-эътибори, тутган мавқеини мустаҳкамлаш, зарур қарорларни ўз вақтида қабул қила билиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

– бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва технологик масалаларини фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш;

– инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга кўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– жаҳон иқтисодиётини тавсифловчи асосий омиллар ва уларнинг моҳияти; жаҳон иқтисодиёти тарихий ривожланишининг асосий босқич ва сабабларини, ҳозирги жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг хусусиятлари, асосий босқичлари ва тенденцияларини, уларнинг алоҳида мамлакатлар ва минтақалар тараққиётига таъсирини, жаҳон хўжалиги тузилиши, унинг ривождаги замонавий тенденциялар ва уларнинг сабабларини, жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг моҳиятини, ривожланишининг сабаблари ва босқичларини ўрганиш;

– талаба ҳозирги жаҳон иқтисодиётида муайян ҳодисалар ва воқеликларнинг моҳияти ҳамда сабабларини таҳлилий баҳолаши; ҳозирги Ўзбекистон иқтисодиётида ҳукм сураётган асосий жараёнларни чуқур ва объектив баҳолай олиш учун олинган билимлардан унумли фойдаланиши; ҳозирги жаҳон иқтисодиёти ривожда муайян ҳодисалар ҳақидаги турли ахборотларни тўплаш, тартибга келтириш ва танқидий таҳлил эта олиш;

– халқаро иқтисодий жараёнларни амалга оширишнинг мавжуд илмий - услубий воситаларини, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш зиддиятлари, истиқбол ва муаммоларини, хорижий давлатлар билан мустаҳкам ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– иқтисодий сиёсатни шакллантириш механизмларни яхши англаб етишлари, замонавий иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи механизмни билишлари, рўй бераётган ҳодисаларни таҳлил қила олишлари, чиқарилган хулосаларининг тўғриллигини текшириш ва асослай билишлари лозим;

– жаҳон иқтисодиёти тизимининг моҳияти ва ривожланиш хусусиятларини, замонавий жаҳон иқтисодиёти тизимларининг асосий босқичлари ва ривожланиш йўллари, уларнинг иқтисодий муаммоларининг ечими билан боғлиқ хусусиятлари, халқаро иқтисодий муносабатларининг турли шакллари, ривожланиш тенденциялари ва уларнинг иқтисодий оқибатлари билан таништириш, рақобатга асосланган очик бозор иқтисодиёти шароитида кўп сонли альтернатив иқтисодий ечимлар ичидан энг самарали вариантни танлаб олиш ҳамда илмий асосланган иқтисодий таклифлар ишлаб чиқиш;

– корхоналар ва молиявий муассасаларни бошқариш ва ташкил қилиш тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, турли мулкчиликка асосланган корхоналар ташкил қилиш, корхонанинг айланма маблағларини ва капитал қўйилмаларини бошқариш, инвестицион ва дивиденд сиёсатни юритиш, молиявий операцияларнинг иқтисодий мазмуни ва уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга таъсирини ҳамда самарадорликни ошириш;

– жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мақсадида илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш қобилиятига эга бўлиши керак.

6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар:

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар:

6.2.2.1. Олий математика фани бўйича

Бакалавр:

- математика усуллари олами идрок этишда асосий эканлиги;
- математик тушунчалари умумийлиги ҳақида;
- математик моделлаштириш;
- математик модел, чизикли регрессия тенгламалари, башорат қилиш усуллари, тренд тушунчаси;
- иқтисодий жараёнларнинг математик моделлари ёрдамида уларни прогноз қилиш;
- эҳтимоллар назарияси асосий тушунчалари: тасодифий ҳодиса, улар устида амаллар, ҳодисалар учун асосий муносабатлар;
- шартли эҳтимол, тўла эҳтимол ва Байес формулалари ҳақида тушунчалар;
- математик анализ, функционал анализ, чизикли алгебра ва математиканинг бошқа асосий тушунчалари;
- дискрет ва узлуксиз тасодифий миқдорлар, уларнинг тақсимот ва зичлик функциялари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- аналитик геометрия, олий ва чизикли алгебра, математик анализ, дифференциал тенгламалар, қаторлар ҳақидаги назариялар ва формуларини;
- математик белгилар ва оддий тизимлар ёрдамида жараёнларни математик моделлаштириш;
- муайян жараён учун эҳтимолли моделлар қуриш, қурилган моделлар доирасида ҳисоблар олиб бориш;
- функционал ва ҳисоблаш топширигини ечиш моделини;
- эҳтимоллар назариясининг аксиомалари ва улардан келиб чиқадиган хулосалар;
- асосий дискрет тақсимот қонунлари (биномиал, геометрик, Пуассон);
- энг муҳим зичлик функциялари (текис тақсимланган, кўрсаткичли ва нормал), бу зичлик функциялари ёрдамида иқтисодий масалаларни таҳлил қилиш.

- нуктавий баҳолаш (силжимаганлик, асослилик, эффективлик);
- энг яхши баҳолаш усуллари (моментлар усули, ҳақиқатга энг яқин баҳолаш усули, энг кичик квадратлар усули) ни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- объектлар миқдорий ва сифат муносабатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;
- экспорт маълумотларини ишлаб чиқишнинг асосий усул ва йўриқларидан фойдаланиш;
- олинган натижаларнинг фойдаланиш чегарасини баҳолаб ва уларни иерархик тузилишини ҳисобга олиб, моделларни тадқиқ этиш;
- иккинчи тартибли чизик ва сиртлар тенгламаларини содда шаклга келтириш ва параметрларидан фойдаланиш;
- алгебраик тенгламаларни аналитик ва тақрибий ечиш;
- тенгламалар системасини аналитик ва тақрибий ечиш;
- бир ва кўп ўзгарувчилар функциялар учун дифференциаллаш, интеграллаш;
- ихтиёрий тартибли дифференциал тенгламаларни аналитик ва тақрибий ечишни тадқиқ этиш;
- иқтисодий жараёнларнинг моделини тузишда кўп ўлчовли регрессия моделидан фойдаланиш;
- танланма тақсимот қонунининг номаълум параметри жойлашган ораликларини топиш;
- танланма тақсимот қонуни ҳақидаги статистик гипотезаларни текшириш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.2. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фани бўйича

Бакалавр:

- маълумотларни йиғиш усуллари ва уларга қўйиладиган талаблар, уларни жамлаш ва тақдим этиш усуллари;
- гистограмма, полигон, нисбий полигон, кумулятив тақсимот тушунчалари;
- ўрта арифметик, медиана, мода, ўртача геометрик миқдорлар;
- дисперсия, ўртача квадратик четлашиш, вариация коэффициенти;
- шартли эҳтимоллик тушунчаси, ва уни ҳисоблаш формуласи;
- ҳодисаларнинг боғлиқсизлиги;
- умумлашган шартли эҳтимоллик формуласи;
- тўла эҳтимоллик формуласи;
- бейес формуласини иқтисодий масалаларни ечишда қўлланилиши;
- тасодифий миқдорлар;
- дискрет ва подискрет тасодифий миқдорларнинг таърифлари;
- дискрет тасодифий миқдорларнинг бир-бирига кўшиш, айириш, ўзаро кўпайтириш ва даражага кўтариш амаллари;
- дискрет тасодифий миқдорларни жадвал кўринишида берилиши, уларнинг тақсимот қонуни;
- дискрет тасодифий миқдорларнинг тақсимот функцияси ва унинг графиги;
- математик статистиканинг асосий масаласи;
- бош ва танланма тўплам;
- танланманинг тақсимоти;
- эмперик тақсимот функция ва унинг хоссалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- элементар ҳодисалар фазоси, ҳодисалар устида амалларни;
- эҳтимолликнинг классик таърифи;
- ҳодисанинг эҳти몰ини ҳисоблаш, комбинаторика элементлари ва уларнинг эҳтимолликни топишда қўлланилишини;

- эҳтимолликнинг геометрик ва статистик таърифларини;
- эҳтимолликнинг хоссаларини;
- тажрибалар сони етарлича катта бўлган ҳолда Бернулли схемасини;
- Муавр-Лапласнинг локал ва интеграл ҳақидаги теоремаларини
- Лаплас функциялари ва уларнинг хоссаларини;
- Муавр-Лаплас формулаларининг татбиқ этишини;
- эҳтимолликнинг ишлаб чиқариш, молия, бошқарув, танлов, тижорат, сайлов, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда қўлланилиши;
- гипотезаларнинг қўйилиши, оддий ва мурракаб гипотезалар, асосий ва альтернатив гипотезаларини;
- гипотезаларни текшириш мезонларини;
- нормал тақсимотли бош тўпламнинг математик кутилмаси ва дисперсияси ҳақида гипотезалар ва уларни текширишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- дискрет тасодифий миқдорларнинг бир-бирига қўшиш, айириш, ўзаро қўпайтириш ва даражага кўтариш амалларини қўллаш;
- тақсимот ва зичлик функцияларининг қўлланилиши;
- Бернулли, Биномиал, Пуассон, текис ва кўрсаткичли тақсимот қонунлари, тақсимот ва зичлик функциялари иқтисодий масалаларни ечишга татбиғи;
- нормал тақсимланган узлуксиз тасодифий миқдорларни математик кутилмаси, дисперсияси ва ўртача квадратик четлашиши;
- регрессия тенгламаси ва унинг татбиғи;
- тасодифий миқдорлар кетма-кетлиги. эҳтимолликни баҳолаш ҳақидаги Чебишев тенгсизлиги ва уни қўллаш;
- катта сонлар ҳақидаги Чебишев теоремасини иқтисодий мисолларни ечишга татбиқ этиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.3. Иқтисодиётда миқдорий усуллар фани бўйича

Бакалавр:

- иқтисодий масалалар;
- математиканинг иқтисодиётда қўлланилишини;
- матрицалар устида амаллар. детерминантнинг хоссалари;
- тескари матрицани топиш усуллари;
- иқтисодий масалаларни моделлаштириш;
- мақсад функцияси;
- фойдани максималлаштириш;
- зарарни минималлаштириш;
- транспорт ва транзит масалалари;
- транспорт масаласининг математик модели;
- транспорт масалаларини ечиш;
- базис ечимнинг оптималлик мезони *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- тенгламалар системасини ечиш усуллари;
- Крамер усулини;
- Гаусс усулини;
- тескари матрицалар усулини;
- Кронекер-Капелли теоремасини;
- векторлар устида амалларини;
- чизикли дастурлаштириш масаласини ечишнинг график усулини;
- жониз ечимлар соҳасини куришни;
- соҳа чегараланган, чегараланмаган ва бўш бўлган ҳолларини;

- мақсад функциясининг сатҳ чизигини;
- базис ечимни яхшилашни;
- матрицали ўйинларни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- мақсад функциясининг максимумини топиш;
- мақсад функциясининг минимумини топиш;
- Чизикли дастурлаштириш масалаларини каноник кўринишга келтириш;
- ёрдамчи ўзгарувчилар киритиш;
- бошланғич базис ечимни топиш;
- симплекс жадвалини қуриш;
- матрицали ўйинни чизикли дастурлаштириш;
- қаварик дастурлаштириш масаласининг қўйиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.4. Эконометрика фани бўйича

Бакалавр:

- корреляцион таҳлил;
- корреляция коэффициенти, корреляция коэффицентини ҳисоблаш формуласи, хоссалари, корреляцион таҳлилда гипотезаларни текшириш;
- корреляция матрицаси ва унинг таҳлили, предикторлар;
- кўп ўзгарувчили регрессион моделлар, моделга қўйиладиган фаразлар, танланма учун регрессия тенгламаси;
- параметрларни баҳолаш, параметрларнинг иқтисодий масалалардаги маъноси, ишонч интерваллари;
- вақт қаторларининг асосий ташкил этувчилари (компонентлари);
- вақт қаторларини силликланган;
- автокорреляция функцияси;
- авторегрессия моделлари;
- стационар вақт қаторлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- математик модел тушунчаси ва уни қуриш усулларини;
- ишлаб чиқариш функцияси ва унинг хоссаларини;
- чизикли тенгламалар, боғлиқ ва эркин ўзгарувчилар, функционал ва статистик моделлар, оддий регрессия чизиги, параметрларни баҳолашни;
- асосий эконометрик моделлар: вақт қаторлари, бир факторли ва кўп факторли регрессион моделлари;
- Кобба-Дугласс функцияси ва унинг асосий характеристикаларини;
- компьютерда Excel пакети ёрдамида регрессия моделини яшаш, корреляция коэффицентини ҳисоблаш, гипотезаларни текширишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- регрессион тенглама параметрлари учун қўйиладиган гипотезалар, гипотезаларни бир ёқлама ва икки ёқлама текшириш;
- t- статистика, детерминация коэффициенти ва унинг маъноси, детерминация коэффицентига қўйиладиган гипотезалар ва уларни текшириш;
- F-статистика, компьютер дастурлар пакетини ишлатиш;
- эгри чизикли моделлар ва уларнинг ишлатилиши;
- регрессион моделларнинг микро ва макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишда қўллаш;
- иқтисодий муаммоларни ечишда эконометрик моделларнинг ишлатиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.5. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

Бакалавр:

- ахборот ва маълумот тушунчалари;

- ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тақдим этиш жараёнлари;
- ахборот инфраструктураси;
- ахборотлаштириш концепцияси ва унинг вазифалари;
- Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш дастури ва уни амалга оширишнинг чора-тадбирлари;
- Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини иқтисодиётга татбиқ қилиш тўғрисидаги қонунлари;
- юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда фаннинг аҳамияти;
- ахборотлашган жамият ва ундаги замонавий ахборотлаштириш жараёнлари;
- ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган ахборот технологиялари;
- бошқарувда ахборот технологияларининг қўлланилиши;
- замонавий техник воситалар, операцион тизимлар ва инструментал воситаларидан фойдаланиш усуллари, матн ва жадвал ахборотларни қайта ишлаш дастурлар, маълумотлар базаси ва объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари, ҳисоблаш жараёнларини автоматлаштириш тамойиллари ва услублари;
- маълумотлар базаси ҳақида тушунча ва унга қўйиладиган талаблар;
- автоматлаштирилган иш жойлари ва уларнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари;
- турли иқтисодиёт тармоқларининг ахборот тизимлари таснифи ва уларда қўлланилаётган дастурий маҳсулотлар;
- ахборотни ҳимоялашга талаб ва зарурияти;
- АКТнинг ривожланиш тенденциялари, ривожланиш йўналишлари ва уларнинг тавсифи ҳақида *масавурга эга бўлиши*;
- техник воситаларни;
- операцион тизимларини ва уларнинг имкониятларини, дастурий маҳсулотлар ривожланишининг асосий тенденцияларини;
- дастурлаш тиллари, локал ҳисоблаш тармоқлари ва Интернет тармоғи функционал имкониятларини;
- замонавий амалий дастурий таъминотини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ахборотни қайта ишлаш техник ва дастурий воситаларини қўллай олиш;
- замонавий операцион тизимларидан фойдаланиш;
- файл, папка ва ойналар билан ишлаш;
- алгоритмлаш асосларини ҳамда чизиқли, тармоқли ва такрорий ҳисоблаш жараёнларини ташкиллаштириш тамойилларини билиш;
- маълум бир дастурлаш тилида турли иқтисодий жараёнлар дастурларини ярата олиш;
- матнли ахборотни қайта ишлаш процессори ва электрон жадваллардан фойдаланишни билиш;
- маълумотлар базалари ва банклари ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- Internet ва локал тармоқларда самарали ишлай олиш;
- турли иқтисодий тармоқлари ахборот тизимлари таснифи ва унда қўлланилаётган дастурий маҳсулотлардан фойдалана олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.2.6. Жаҳон иқтисодиёти географияси ва экология фани бўйича

Бакалавр:

- табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири ва бу муносабатларнинг тарихийлиги;
- жаҳон ёқилги ва фойдали қазилмаларини материклар ва мамлакатлар бўйлаб географик тақсимланишининг хусусиятлари;
- ер ва сув ресурсларининг бутун дунё ва айрим худудлар бўйича жойланиши ва географик ўрни;
- жаҳон урбанизацияси ва аҳоли миграцияси;

- ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиш ва ривожланишидаги халқаро, миллий, минтақавий хусусиятлари;
- урбанизация жараёнлари ва унинг аҳоли концентрациясига таъсири;
- суғориладиган текислик, чўл, яйлов, шаҳар атрофи минтақалари, қишлоқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари;
- экологик вазият ва унинг шаклланишидаги халқаро, минтақавий ва миллий жиҳатлари;
- экологик вазият ёмонлашувининг ижтимоий жиҳатлари;
- глобал геозкологик муаммоларнинг кишилиқ жамиятига таъсири **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- жаҳон хўжалиги географияси, халқаро географик меҳнат тақсимотининг шаклланиши ва ривожланишини;
- жаҳон хўжалиги тармоқларининг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятларини;
- фан-техника тараққиётининг ҳозирги вақтдаги асосий йўналишлари ва жаҳон хўжалигининг истиқболларини;
- фан-техника тараққиётининг, саноат ривожланиши ва жойланишидаги аҳамиятини;
- ривожланган бозор иқтисодиётидаги давлатларда саноат тармоқлари ва уларнинг ўсиш сабабларини;
- дунё хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимотида оид маълумотларни;
- инсониятнинг истиқбол тараққиётида дунё ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини;
- табиат билан жамият ўртасидаги муносабатлар ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини;
- ер ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- дунё мамлакатлари бўйича ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги ўзига хосликларни аниқлаш;
- халқаро муносабатлар ва дунёнинг замонавий иқтисодий харитаси билан ишлаш;
- ер ва сув захираларидан фойдаланишни минтақавий таҳлил қилиш;
- аҳолининг таркиби ва ундаги ўзгаришларни баҳолаш;
- Ўзбекистонда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг тараққиётига баҳо бериш;
- Ўзбекистонда экологик вазиятни таҳлил қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3. Умумқасбий фанлар бўйича талаблар:

6.2.3.1. Иқтисодий таълимотлар тарихи фани бўйича

Бакалавр:

- “Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанининг предмети ва ўрганиш усули;
- иқтисодий йўналиш ва мактабларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари;
- иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари;
- турли даврлар ва жамиятларда пайдо бўлган иқтисодий фикрлар ва таълимотларнинг мамлакат ривожига таъсири **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- иқтисодий таҳлилнинг асосий қоидалари ва муаммоларини ажрата олишни;
- турли иқтисодий мактаб ва йўналишлар вакиллари томонидан иқтисодий фикр ва ғояларнинг талқин этилиши эволюциясини кузатишни;
- иқтисодий назария ва хўжалиқ амалиётининг ўзгаришидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиб беришни;
- иқтисодий тараққиётга олиб келган ғоялар ва иқтисодий сиёсатнинг мазмунини, иқтисодий ривожланишнинг юксалиши ва сустрлашуви сабабларини;

- жаҳон хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги иқтисодий ғояларни;
- Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш даври концепциясини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- турли иқтисодий концепциялар ва уларнинг хулосаларини методологик таҳлил қилиш;
- турлича иқтисодий назарияларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ажрата олиш ва улардан иқтисодий сиёсатни шакллантиришда фойдалана олиш;
- иқтисодий таълимотларнинг ривожланишидаги ўрганилаётган қонуниятлар негизида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш билан боғлиқ мунозарали масалаларни муҳокама қилиш ва муаммоли ҳолатларни мустақил равишда баҳолаш;
- иқтисодий ислохотларни назарий жиҳатдан асослаш ҳамда амалга оширишнинг хорижий ва мамлакатимиздаги тажрибаларининг натижаларини баҳолаш;
- турли даврдаги иқтисодий ғояларни умумлаштириш ва таҳлил этиш, улардан илмий-амалий хулосалар чиқариш ва таклифлар бера олиш *кўникмаларига эга бўлишлари керак.*

6.2.3.2. Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт фани бўйича

Бакалавр:

- микроиқтисодиёт фани предмети, вазибалари, тадқиқот услублари;
- фаннинг базис тушунчалари;
- ресурслар чекланганлиги ва иқтисодиётнинг бош муаммоси;
- бозор иқтисодиёти тамойиллари;
- талаб ва таклиф, бозор мувозанати, максимал ва минимал нархлар;
- макроиқтисодий кўрсаткичларнинг моҳияти ва уларни ҳисоблаш шартлари;
- асосий макроиқтисодий моделлар ва уларда иқтисодий жараёнларнинг кечиши ҳамда макроиқтисодий сиёсат натижаларини ақс эттириш;
- товарлар ва хизматлар бозорида макроиқтисодий мувозанатга эришиш механизмнинг моҳияти;
- пулга талаб, пул таклифи ва пул бозорида мувозанатга таъсир этувчи омиллари;
- бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг мақсадлари, воситалари ҳамда кўринишлари;
- иқтисодий ўсишнинг моҳияти, ўлчаниши, омиллари ва моделлари;
- ташқи савдо сиёсатининг назарий асослари ва воситалари;
- мамлакат тўлов балансининг тузилиши, макроиқтисодий аҳамияти ва уни тартибга солиш усуллари;
- валюта курсининг моҳияти, макроиқтисодий аҳамияти, уни белгиловчи омиллар ва барқарорлигини таъминлаш шартлари;
- очик иқтисодиётда макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш хусусиятлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- бозор иқтисодиётида истеъмолчи танлови ва унга таъсир қилувчи омилларни;
- эластиклик ёрдамида сотувчи даромадини таҳлил этишни ҳамда солиқ юқини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимлаш масаласини;
- истеъмолчи танлови масаласини;
- “Даромад” самараси ва “Алмаштириш” самарасини;
- ишлаб чиқариш назарияси ва функциясини;
- чекли унумдорликнинг камайиш қонунини;
- ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни;
- фирмаларнинг ташкилий-иқтисодий асосларини;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва фирма фойдасини *максималлаштириш* шартларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- ноаниклик шароитида қарор қабул қилиш;
- таваккалчилик ва уни пасайтириш;
- корхоналарда максимал фойдага эришиш нуқтасини аниқлаш;
- талаб ва таклиф эластиклигини ҳисоблаш;
- рақобатлашган бозор шароитида нархни белгилаш;
- нархлар диверсификациясидан фойдаланиш;
- умумий, ўзгарувчан, ўзгармас, чекли харажатларни ҳисоблаш, умумий ва чекли фойдани ҳисоблаш;
- рақобатлашган монополия, олигополия ва соф монополия шароитида фойдани максималлаштириш;
- меҳнат бозори, капитал бозори ва ер бозорини таҳлил қилиш;
- капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш;
- макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш;
- асосий макроиктисодий моделларнинг ўзгарувчиларни аниқлаш ва тенгламаларини тузиш;
- товарлар ва хизматлар бозорида қисқа ва узоқ муддатли мувозанатни таъминлаш механизминини тушунтириб бериш;
- пул бозорида мувозанат юзага келишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- макроиктисодий сиёсатнинг иқтисодий жараёнлар ва алоҳида кўрсаткичларга таъсир кўрсатиш қонуниятларини аниқлаш;
- турли макроиктисодий вазиятларда бюджет-солиқ ёки пул-кредит сиёсатини қўллаш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш шартларини тушунтириб бериш;
- ташқи савдо сиёсати ҳамда валюта курсини тартибга солиш орқали тўлов баланси ҳолатига, ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмларига таъсир кўрсатиш усулларини тавсифлаб бериш;
- очик иқтисодиёт шароитида макроиктисодий жараёнларнинг кечиши ҳамда макроиктисодий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларини, миллий ва жаҳон иқтисодиёти даражасида бозор механизминини амал қилишини изоҳлаб бериш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.3. Статистика фани бўйича

Бакалавр:

- статистиканинг предмети ва ўзига хос хусусиятлари;
- Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси ва халқаро статистикани ташкил этилиши;
- статистик кузатишнинг моҳияти ва аҳамияти;
- гуруҳлаш вазифалари, турлари ва белгилари;
- мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар;
- статистик жадваллар ва графиклар;
- ўртача миқдор турлари ва шакллари;
- квадрат ва куб ўртача миқдорлар ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш;
- вариация кўрсаткичлари ва статистика амалиётида улардан фойдаланиш;
- танланма кузатиш, унинг мазмуни, қўлланиш сабаблари ва афзалликлари;
- жуфт корреляция;
- детерминация коэффициенти ва унинг талқини;
- динамика каторларининг турлари, таҳлил қилиш кўрсаткичлари;
- динамика каторлари маълумотлари асосида статистик прогнозлаш;
- иқтисодий индексларнинг моҳияти, аҳамияти ва роли;
- статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий индекслар;

- аҳоли турмуш даражаси ва уни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар;
- миллий ҳисоблар тизимининг моҳияти, аҳамияти ва функциялари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, уларнинг муҳим белгиларини;
- статистика услубиятини;
- статистик маълумотлар ва уларни гуруҳлаш, унинг мазмуни, аҳамияти ҳамда вазифаларини;
- статистик кўрсаткичларни таҳлил қилишни;
- нисбий ва мутлақ кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва акс эттириш шаклларини;
- статистик маълумотларни жадвалларда ва графикларда тасвирлашни;
- ўртача миқдорлар ва уларнинг шаклларини;
- даражали ўртача миқдорларни;
- асимметрия коэффициенти ва уни аниқлаш тартибини;
- танланма кузатишда репрезентативликни таъминловчи танлаш усулларини;
- жуфт регрессия тенгламасини тузиш тартибини;
- динамика қаторларда қатор ўртача даражаларини ҳамда таҳлил қилиш кўрсаткичларини ҳисоблашни;
- динамика қаторлари даражаларини интерполяциялаш ва экстраполяциялашни;
- истеъмол нархлари индексини тузиш тартибини;
- аҳоли турмуш даражаси ва уни ифодаловчи статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишни;
- миллий ҳисоб-китоблар тизими асосида макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашни ва статистик баҳолашни;
- иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда макроиқтисодий моделларни қўллашни;
- макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишни;
- макроиқтисодий сиёсатнинг ижобий ва салбий оқибатларига баҳо беришни;
- макроиқтисодий сиёсатнинг натижаларини прогноз қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- статистик усуллар ёрдамида статистик тадқиқотлар олиб бориш;
- махсус уюштирилган статистик кузатишлар ва рўйхатлар ўтказиш;
- статистик кўрсаткичларни статистик таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- вариация кўрсаткичларини ҳисоблашни ва уларни талкин қилиш;
- амалиётда корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланиш;
- динамика қаторларида асрий тенденциялар, мавсумий ва конъюнктуравий ўзгаришларни ҳисоблаш;
- статистика амалиётида иқтисодий индексларни ҳисоблаш ва уларни талкин қилиш;
- ялпи ички маҳсулот дефляторини ҳисоблаш;
- миллий ҳисоб-китоблар тизимининг асосий категориялари ва тушунчаларидан статистика амалиётида фойдаланиш;
- аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.4. Ўзбекистон Республикаси Миллий иқтисодиёти фани бўйича

Бакалавр:

- Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг зарурияти;
- ислоҳот ўтказиш имкониятини яратувчи дастлабки замин ва шарт-шароитлар;
- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг моҳияти;
- Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг миллий моделини шакллантиришда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш;

- ислохотларни амалга ошириш ўзбек модели шаклланишининг методологик хусусиятлари ва тамойиллари;
 - иқтисодий ислох қилиш ўзбек моделини шакллантиришда асосий методологик ёндашувлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
 - Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни шакллантириш ва амалга ошириш механизмининг ўзига хос жиҳатларини;
 - иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қонунчилик базасини яратишнинг заруриятини;
 - иқтисодий ислох қилишнинг асосий тамойилларини;
 - иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида ҳар бир босқични белгилашга қўйиладиган асосий талабларни;
 - ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат муносабатларининг асосий тамойилларини;
 - Ўзбекистон аҳолисининг зичлиги ва жойлашувининг ўзига хос хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
 - миллий иқтисодий иқтисодий–экологик ёндашув асосида таҳлил қилиш;
 - барқарор иқтисодий ривожланишнинг истиқбол кўрсаткичларини башорат қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш;
 - ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш;
 - миллий иқтисодий ривожлантириш муаммолар ечимини асослаш;
- ҳудудий ривожланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини билиш ва улардан амалиётда фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.5. Молия фани бўйича

Бакалавр:

- молия ва солиққа оид муносабатларнинг юзага келишига доир назарий ва илмий қарашлар;
- бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари;
- солиқ тизими, бюджет тизимининг мазмуни ва уларнинг ҳуқуқий асослари;
- давлат бюджети даромадлари манбалари ва харажатлари тузилиши;
- Ўзбекистонда солиқларнинг бюджетга ундирилиши ва уларнинг тақсимланиш жараёнлари;
- халқаро солиққа тортиш ва молиявий муносабатларнинг ташкил этилиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- солиққа тортиш тамойиллари ва элементларини;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблай олиши ва уларни бюджетга ўтказиш тартибларини;
- бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар лойиҳасини тузиш, тасдиқлатиш ва молиялаштириш тартибларини;
- турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш механизмларини;
- солиқ ва молия тизимида амалиётда қўлланиладиган дастурий маҳсулотлар ва махсус компьютер дастурларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- солиқ тўловлари ва бюджет харажатларини тақсимлаш бўйича маҳаллий ҳокимиятлар, статистика, солиқ ва молия органлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларни мувофиқлаштириш;
- марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш ҳамда молиявий назорат қилиш;
- Ўзбекистонда солиқ, бюджет ҳамда монетар сиёсатнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларининг шаклланиши, таксимланиши ва уларда солиқ-бюджет назоратини ўтказиш;
- давлатнинг иқтисодиёт субъектлари фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш ва молиявий соғломлаштириш юзасидан тадбирларини йўлга қўйиш;
- бюджет-солиқ сиёсатининг истикболларини белгилаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.6. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фани бўйича

Бакалавр:

- фаннинг предмети, объекти ва вазифалари;
- бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби;
- хўжалик юритувчи субъектларда хўжалик жараёнлари ва уларни ҳужжатлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳисоби;
- бухгалтерия ҳисоби счётлар тизими;
- молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби;
- молиявий ҳисоботларнинг турлари;
- ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари якунига баҳо бериш ва аудиторлик текширувига тайёрлаш;
- корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш;
- электрон ҳисоблаш машиналари (компьютер воситалари)нинг таҳлил ва аудит жараёнида қўллаш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асосларини;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг усулларини;
- хўжалик юритувчи субъектлар активлари ва пасивлари ҳисобини;
- харажатлар таркиби ва маҳсулот таннархни;
- фойда ва зарарлар ҳисобини;
- хусусий капитал ва мажбуриятлар ҳисобини;
- бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини;
- молиявий ҳисоботларни тузиш тамойилларини;
- турли мулкчилик шаклида иқтисодиёт субъектларини тўғри бошқаришда иқтисодий таҳлил ва аудитнинг ролини;
- иқтисодий таҳлил ва аудитнинг асосий тамойилларини;
- иқтисодий таҳлил ва аудитнинг асосий вазифаларини;
- иқтисодий таҳлил ва аудитнинг усулларини;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилишни;
- иқтисодий таҳлил ва аудитда фойдаланиладиган ахборот манбаларини;
- хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва аудит усулларини;
- автоматик бошқариш тизимида комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил қилишни шакл ва усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобининг усулларидан фойдаланиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳаракатини бухгалтерия ҳужжатларида акс эттириш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таҳлил ва ҳисобини юритиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар балансини тузиш;
- молиявий ҳисобот маълумотларига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- иқтисодий таҳлил ва аудит жараёнида керак бўладиган манбалар ҳажмини аниқлаш, тўплаш, уларнинг тўтрилигини текшириш, қайта ишлаш, таҳлил этиш ва аудитга мослаштириш;

- таҳлил ва аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш;

- таҳлил ва аудит натижасида ҳисобот ва хулоса тайёрлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.7. Менежмент асослари фани бўйича

Бакалавр:

- менежментнинг назарий асослари;
- менежментнинг ривожланиш тарихи ва замонавий концепциялари;
- менежментнинг фан сифатида шаклланиш шарт-шароитлари;
- менежментнинг илмий мактаблари;
- Ўзбекистонда бошқарувнинг ривожланиши;
- менежментнинг хорижий моделлари;
- бошқарув ва менежмент;
- менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамойиллари;
- меҳнатни бошқаришнинг ҳунармандчилик, технократик, инновацион усуллари;
- бошқарувнинг моҳияти ва тизими;
- менежернинг услуги ва имиджи;
- ишга доир этика ва этикет *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- бошқарув меҳнатининг таърифи, хусусиятлари, турларини;
- бошқарув меҳнатини илмий ташкил этишни;
- раҳбар ўзини-ўзи бошқаришини;
- менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилишни;
- меҳнат жамоаларида ходимларни бошқаришни;
- жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш босқичларини;
- ходимларга таъсир ўтказиш ва уларни бошқаришни;
- низоларни ҳал этиш йўлларини;
- ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг тавсифини;
- ташкилий тузилмаларнинг турларини;
- ташкилотларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларини;
- ташкилотларнинг янги турларини;
- ташкилотлар ривожланишидаги замонавий тенденцияларни *билиши ва улардан*

фойдалана олиши;

- бошқарув усулларида фойдаланиш;
- менежмент технологиясини ташкил этиш;
- бошқарув жараёни ва вазифаларини белгилаш;
- режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш, мувофиқлаштириш;
- бошқарувда ахборотлар ва коммуникациялардан фойдаланиш;
- ташкилотларнинг ички ва ташқи муҳитини таҳлил қилиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ташкилий ўзгаришларни бошқариш;
- корхона салоҳиятини бошқариш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.8. Маркетинг асослари фани бўйича

Бакалавр:

- маркетингнинг назарий асослари;

- маркетингнинг ривожланиш тарихи ва замонавий концепциялари;
- маркетингнинг фан сифатида шаклланиш шарт-шароитлари;
- маркетинг концепцияси, тамойиллари, функциялари ва вазифалари;
- корхонада маркетинг фаолиятини ташкил этиш тизими;
- маркетинг комплекси, маркетинг фаолиятини режалаштириш;
- маркетинг хизматларини ташкил этиш;
- маркетингнинг ички ва ташқи мухити;
- бозор конъюктураси ва бозор сигими;
- товар, нарх, сотиш ва коммуникация *хақида тасаввурга эга бўлиши*;
- мамлакатимизда ва хорижда маркетингни ривожланишининг замонавий тенденцияларини;

- маркетинг концепциясидан самарали фойдаланиш усулларини;
- корхонада маркетингни ташкил қилиш шакллари;
- маркетингнинг асосий тамойилларини;
- янги товар ишлаб чиқиш ва бозорга чиқариш усулларини;
- корхонада рақобат мухитини шакллантиришни;
- маркетинг соҳасидаги меъёрий хужжатларни;
- истеъмолчилар хулқ-атворини таҳлил қилишни;
- маркетинг тадқиқотлари ўтказиш усулларини;
- бозорни сегментлаш ва харидорлар турларини аниқлашни;
- талаб, таклиф ва бозор ҳажмини аниқлашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- замонавий маркетинг концепцияларини татбиқ этиш;
- маркетинг хизматларини ташкил этиш;
- маркетинг режасини ишлаб чиқиш;
- бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- бозор конъюктурасини тадқиқ этиш;
- товар сиёсатини самарали бошқариш;
- товар рақобатбардошлигини ошириш;
- янги товарларга нарх белгилаш;
- маркетинг коммуникацияси элементларидан фойдаланиш;
- реклама самарадорлигини аниқлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.9. Молиявий менежмент фани бўйича

Бакалавр:

- молиявий менежментнинг корхонани бошқаришдаги аҳамиятини;
- молиявий менежментни ташкил этишни;
- молиявий сектор соҳалари. молиявий менежментни ривожланиш босқичларини;
- молиявий менежмент усулларини;
- капитал қийматига таъсир этувчи омилларни;
- молиявий ресурслар пул оқимини;
- ички ва ташқи маблағларни;
- молиявий ҳолат таҳлилинини;
- кредитга лаёқатлилиқ ва унинг мезонларини;
- инфляция ва молиявий коэффициентларни;
- пул оқими таҳлилининг мақсадларини;
- айланма капитални бошқариш сиёсатини;
- айланма маблағлар элементларини;
- дивиденд тўловларини;

- дивиденд сиёсатини;
- акционерлар фаровонлиги ва дивиденд сиёсатини;
- капитал тузилиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- хўжалик фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг боғлиқлиги;
- молиявий менежментда бухгалтерия ва молиявий маълумотларнинг аҳамияти;
- молиявий ҳисобот концепцияси;
- пул вақт мобайнидаги қийматининг концепцияси;
- фойзалар назариясининг элементлари;
- пулнинг жорий ва келгусидаги қийматига инфляциянинг таъсири;
- рентабеллик кўрсаткичлари, қарзни бошқариш кўрсаткичлари;
- жорий активларни молиялаштириш стратегияси;
- капитал қийматининг тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳияти;
- капитал қийматини аниқлаш моделларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- молиявий қарорлар қабул қилиш;
- молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш;
- пул оқими ва молиявий натижалар таҳлил қилиш;
- молиявий натижаларга таъсир қилувчи асосий омиллар аниқлаш;
- молиявий прогноз қилиш;
- пул оқимларини бошқариш ва прогноз қилиш;
- пул маблағларининг оптимал ҳажмини аниқлаш;
- товар-моддий захираларини бошқариш;
- дивиденд ўсишини прогноз қилиш;
- имтиёзли акциялар қийматини аниқлаш;
- капитал структураси бўйича қарор қабул қилиш;
- зарар кўрмаслик нуктасини ҳисоблаш;
- фойда олиш учун зарур савдо ҳажмини ҳисоблаш *қўникмаларига эга бўлиши*

керак.

6.2.3.10. Банк иши фани бўйича

Бакалавр:

- кредит тизими ва унинг молия тизимидаги ўрни;
- банк тизимининг моҳияти;
- банкларнинг келиб чиқиши ва уларнинг тараққиёт босқичлари;
- икки погонали банк тизими ва унинг таркибий тузилиши;
- банкларнинг пасив операциялари, уларнинг турлари ва тавсифи;
- депозит ва нодепозит операциялар;
- тижорат банкларининг актив операциялари;
- тижорат банки кредитларининг моҳияти ва тамойиллари;
- капитал бозорида банкларнинг фаолияти;
- тижорат банклари фаолиятининг молиявий манбалари ва уларни яратиш тартиби;
- тижорат банкининг капитали ва унинг таркиби;
- тижорат банкларининг Марказий банк билан иқтисодий муносабати *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- Марказий банк кредит тизимининг асосий бўғинини;
- Марказий банк томонидан иқтисодиётни пул-кредит йўли билан тартибга солишни;
- очик молиявий бозордаги операцияларни;
- тижорат банкларини ташкил этиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳамда тугатишнинг ҳуқуқий асосларини;
- тижорат банкининг функцияларини;

- банк активлари, уларнинг моҳияти ва таркиби;
- банк активларининг сифати даражасини;
- банк активлари ва уларнинг диверсификациясини;
- тижорат банкларининг ликвидлик кўрсаткичлари ва таҳлилини;
- тижорат банкларини ликвидлик ҳолатини;
- хорижий давлатлар амалиётида тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолаш усулларини;
- тижорат банкларининг актив ва пасивларини бошқариш усуллари;
- тижорат банкларининг воситачилик операциялари;
- тижорат банкларининг кредит сиёсати, унинг хусусиятлари ва мезонлари.
- кредитдан фойдаланиш ва унинг таъминланганлик мониторинги *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- фоиз ставкасини тартибга солиш ва ўзгартириш;
- бўш маблағларни тақсимлаш;
- тижорат банклари активлари ва уларни бошқариш;
- тижорат банкларининг фойдаси ва уни ҳисоблаш;
- тижорат банкларининг даромадини тақсимлаш;
- тижорат банклари фаолиятининг молиявий натижаларининг таҳлил қилиш;
- тижорат банкларининг рейтинг баллари аниқлашда хорижий давлатлар банклари усулларидан, хусусан «CAMEL» усулидан фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.11. Асосий чет тили фақи бўйича

Бакалавр:

- асосий чет тилининг асосий хусусиятлари;
- онгли ўқиш билан бирга ўрганаётган тилни оғзаки нутқ амалиёти билан назарияси;
- коммуникатив фаолият соҳалари, мавзулар, вазиятлар, коммуникатив ва ижтимоий роллар; ўрганилаётган тилда суҳбатларни ва далиллар келтирилган матнни тушуниш;
- чет тилида маъруза, йўриқномалар, академик ва касбий презентациялар, савол-жавоблар асосий мазмунини тушуниш;
- реклама, эълон ва маълумотномаларни тушуниш;
- мураккаб аутентик нутқни таниш ва нотаниш контекстда тушуниш;
- чет тилидан мулоқот воситаси сифатида фойдаланиш учун керакли махсус нутқий қобилиятлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- махсус нутқий қобилиятларни шакллантиришга кўмаклашадиган лингвистик билимларни;
- ўрганилаётган тилнинг фонетика, грамматика ҳамда лексикологияси тўғрисидаги билимларни;
- умумий ўқув билимлари, хорижий гилни эгаллаш ва уни такомиллаштириш бўйича ақлий меҳнатнинг оқилона усулларини;
- давлатлараро музокараларда таржимонлик қилишларида, халқаро битим ва келишувларни тайёрлашда ва тасдиқлашда дипломатик ёзишмаларни;
- чет тилини қўллаш билан коммуникатив ва ўрганиш эҳтиёжларини ривожлантиришни;
- функционал саводхонликка эришишни;
- бизнес ҳамкори билан музокара олиб боришни;
- музокараларда қатнашиш ва уларни бошқаришни;
- вазиятга қараб саволлар бериш ва жавоб қайтаришни;
- мутахассисликка онд мавзуларда презентациялар ўтказиш, эссе ва маърузалар ёзишни;

- шахсий ва мутахассислик бўйича корреспонденцияларни тушуниш ва олиб боришни;
- диаграмма, схема, чизмаларни кискача таърифни тушуниш ва тузишни;
- мутахассислик бўйича йўриқнома ва қўлланмалар ёзиш ва тушунишни;
- касбга оид матнлардан керакли ахборотни ажратиб олишни;
- мулоқотнинг стандарт ҳолатларида мулоқотга киришиш *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- чет тилда шу тилга хос оҳанг ва тезликда айтилган нутқни тушуниш;
- кундалик ва касбий соҳаларда оғзаки диалогик ва монологик нутқ сўзлай билишни;
- мазмунни тўлиқ англаган ҳолда ўқиш, оригинал тилдаги адабиётни таржима қилиш ва уни қайта ишлаш (мутахассислик бўйича);
- касбий фаолият учун керакли даражада ёзма нутқни эгаллаш;
- тавсияномалар, ҳисобот ва резюмелар туза олиш;
- битирув ишларини ўрганилаётган тилда ёза олиш;
- касбий лексика ва атамаларни ишлата олиш;
- халқаро сўзларни тушуниш ва қўллай олиш;
- коммуникатив вазиятларда грамматик ва синтактик қурилмаларни ишлата билиш;
- мутахассисликка оид матнларни таҳлил қилиш;
- мутахассислик бўйича адабиётларни чет тилидан она тилига таржима қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.12. Иккинчи чет тили фани бўйича

Бакалавр:

- коммуникатив фаолият соҳалари, мавзулар, вазиятлар, коммуникатив ва ижтимоий роллар;
- ўрганилаётган тилда суҳбатларни ва далиллар келтирилган матнни тушуниш;
- чет тилида маъруза, йўриқномалар, академик ва касбий презентациялар, савол-жавоблар асосий мазмунини тушуниш;
- реклама, эълон ва маълумотномаларни тушуниш;
- мураккаб аутентик нутқни таниш ва нотаниш контекстда тушуниш;
- чет тилидан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишга имкон берувчи махсус нутқ кўникмалари;
- махсус нутқ: кўникмаларини шакллантиришга имкон берувчи махсус нутқ кўникмалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- махсус нутқ: кўникмаларини шакллантиришга имкон берувчи лингвистик билимлар (ўрганилаётган тил фонетикаси, грамматикаси, лексикологияси бўйича маълумотлар);
- ўрганилаётган тил давлатининг миллий-маданий хусусиятлари ва мавжуд ҳолатлари тўғрисида лингвистик-улқашунослик билимларининг мажмуаси;
- талабаларнинг чет тилини ўзлаштириш ва уни ўрганишда ўзини гакомиллаштиришга оид ўқув-билиш фаолиятининг маданиятини белгилаб берувчи умумий ўқув билимларини;
- бизнес ҳамкори билан музокара олиб боришни;
- музокараларда катнашиш ва уларни бошқаришни;
- вазиятга қараб саволлар бериш ва жавоб қайтаришни;
- мутахассисликка оид мавзуларда презентациялар ўтказиш, эссе ва маърузалар ёзишни;
- шахсий ва мутахассислик бўйича корреспонденцияларни тушуниш ва олиб боришни;
- диаграмма, схема, чизмаларни кискача таърифни тушуниш ва тузишни;
- мутахассислик бўйича йўриқнома ва қўлланмалар ёзиш ва тушунишни;
- касбга оид матнлардан керакли ахборотни ажратиб олишни;
- ақлий меҳнатнинг оқилона усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- чет тили учун нормал тезликда гапирилган чет тилидаги нуткни идрок этиш;
- кундалик-мулоқот ва касбий соҳаларда оғзаки диалогик ва монологик нуткни эгаллаш;
- мазмунини тўлиқ камраб олган ҳолда ўқиш, асл адабиётларни (жумладан, мутахассислик бўйича адабиётларни) таржима қилиш;
- муваффақиятли касбий фаолият учун зарур ҳажмда ёзма нуткни эгаллаш;
- тавсияномалар, ҳисобот ва резюмелар туза олиш;
- битирув ишларини ўрганилаётган тилда ёза олиш;
- касбий лексика ва атамаларни ишлата олиш;
- халқаро сўзларни тушуниш ва қўллаш олиш;
- коммуникатив вазиятларда грамматик ва синтактик қурилмаларни ишлата билиш;
- мутахассисликка оид матнларни таҳлил қилиш
- мутахассислиги бўйича адабиётларни ёзма равишда таржима қилиш (ўзбек ва рус тили);
- мутахассислиги бўйича кетма-кет оғзаки таржима қилиш (ўзбек ва рус тили)

кўникмаларига эга бўлиши керак.

6.2.3.13. Нарх шаклланиши ва жаҳон бозорлари конъюктураси фани бўйича Бакалавр:

- жаҳон товар бозорларида нархларнинг шаклланиши;
- монополияларнинг нархларга таъсир кўрсатиши;
- давлатнинг нархларга таъсир кўрсатиши;
- валюта курслари ўзгаришининг ташқи иқтисодий нархларга таъсири;
- ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана нархлари;
- нефть ва нефть маҳсулотлари нархлари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- нархларни харажатлар асосида белгилаш усулини;
- товарнинг ташқи иқтисодий нархини белгилаш усулларини;
- конъюнктура омилларини;
- тайёр маҳсулотлар захираларининг ҳаракатини;
- улгуржи ва чакана нархларнинг индексларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ишлаб чиқаришни тартибга солиш;
- машина ва асбоб-ускуналар бозорларининг хусусиятлари аниқлаш;
- шартномаларнинг нархлари ҳамда етакчи фирмаларнинг таклифлари кўринишидаги нарх кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- машина ва асбоб - ускуналар бозори конъюктураси таҳлил қилиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар

6.2.4.1. Жаҳон иқтисодиёти фани бўйича

Бакалавр:

- жаҳон иқтисодиёти тизими, тармоқ тузилиши;
- жаҳон иқтисодиётининг моҳияти ва асосий хусусиятлари;
- жаҳон ҳўжалиги тизими ривожланишининг асосий қонуниятлари, тенденциялари ва замонавий хусусиятлари;
- жаҳон иқтисодий тизими ривожланишининг замонавий тенденциялари;
- жаҳон ҳўжалиги интеграциялашуви мазмуни, сабаби ва асосий босқичлари;
- жаҳон мамлакатларининг гуруҳларга таснифланиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифлари;
- жаҳон ҳўжалигининг глобал муаммолари;
- инвестицияларнинг моҳияти ва шакллари;

– жаҳон иқтисодиётининг асосий марказлари;
 – жаҳон иқтисодиёти тизимида Ўзбекистоннинг ўрни ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;

– жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни;

– айирбошлаш ва капиталнинг интернационаллашувининг умумий ва хусусий жиҳатлари;

– ривожланаётган мамлакатларнинг классификациясини;

– жаҳон иқтисодиётида ЯИДнинг моҳияти ва хусусиятларини;

– кузатишлар натижасида олинган маълумотларни тизимлаш ва қайта ишлашни;

– иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишни;

– маълумотларни қайта ишлаш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– жаҳон иқтисодий ўсиш ва ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш;

– жаҳон иқтисодиёти ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

– иқтисодий ўсишнинг жадаллашув сабаблари ва босқичларини таҳлил қилиш;

– жамият ривожланишида тадрижий ва инқилобий ўзгаришлар аниқлаш;

– хорижий мамлакатларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида уларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4.2. Халқаро иқтисодий муносабатлар фани бўйича

Бакалавр:

– халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари;

– жаҳон хўжалигини ривожлантириш тенденциялари ва босқичлари;

– жаҳон хўжалигида умумий талаб ва таклиф;

– ташқи савдода қатнашувчи ва қатнашмайдиган товарлар;

– ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимоти;

– халқаро савдо, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш йўналишлари;

– бир омилли модел ва ишлаб чиқариш имкониятлари тушунчаси;

– икки омилли модел ва ишлаб чиқариш имкониятлари тушунчаси;

– меркантилизм ва ташқи савдо;

– мутлақ афзаллик вазияти ва ташқи савдо;

– давлатнинг ташқи савдони тартибга солишдаги роли;

– портфелли инвестициялашнинг таърифи, амалга ошириш сабаблари;

– тўлов баланси: моҳияти, ўлчами, таркиби ва унинг боғлиқликлари;

– халқаро валюта тизимлари ва уларнинг моҳияти *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

– Хекшер-Олин назариясини амалиётга татбиқ қилиш натижалари ва ундан келиб чиқадиган хулосаларни;

– ташқи савдо алоқалари ўрнатилишининг ишлаб чиқариш омиллари ривожланишига таъсирини;

– Хекшер – Олин – Самуэльсон, Самуэльсон – Джонс, Столпер – Самуэльсон, Рибчинский теоремаларини;

– Джонснинг кучайтириш эффектини;

– ишлаб чиқариш омиллари таклифининг ўзгариши ва ташқи савдо;

– ташқи савдо инструментларини;

– экспорт ва импорт тарифларининг кичик ва катта мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини;

– ташқи савдо ва даромад ўртасидаги боғлиқликни;

- халқаро ишчи кучи миграцияси: сабаблари, турлари, географик йўналишлари ва эмиграция ва иммиграция мамлакатлари учун иқтисодий оқибатларини;
 - ташқи савдо сиёсатида миқдорий чеклаш усуллари ва уларни қўллаш сабабларини;
 - бож тарифини асослаш учун ва унга қарши келтирилаётган далилларини;
- Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;**
- Ўзбекистон экспорти ва импорти динамикаси, географик йўналиши ва таркибида бўлаётган ўзгаришлар сабаблари ва оқибатлари аниқлаш;
 - халқаро иш кучи миграциясини давлат томонидан тартибга солиш;
 - ташқи савдо сиёсатининг молиявий усуллари қўллаш;
 - импорт билан рақобат қилувчи ички ишлаб чиқарувчиларга субсидия бериш;
 - ташқи савдо сиёсатининг яширин усуллари қўллаш;
 - муайяна товарлар жаҳон бозорида вужудга келган халқаро картеллар ва уларнинг таҳлил қилиш;
 - Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашуви жараёни ва ташқи иқтисодий алоқаларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари аниқлаш;
 - мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбатан таъминланганлик даражаси аниқлаш;
 - импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилган иқтисодий ўсишни аниқлаш ;
 - эркин рақобат ва монополия шароитларида импорт квотаси киритишнинг иқтисодий оқибатларини таҳлил қилиш;
 - валюта курсини макроиқтисодий сиёсат иқтисодий оқибатларининг қиссий таҳлил қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4.3. Халқаро валюта-кредит муносабатлари фани бўйича

Бакалавр:

- валюта тизимининг мазмуни ва унинг асосий элементлари;
- халқаро валюта ликвидлиги ва унинг элементлари;
- миллий ва халқаро валюта тизимлари;
- ҳозирги замон валюта тизими ва муаммолари;
- валюта сиёсатининг асосий шакллари;
- тўлов баланси тушунчаси ва тамойиллари;
- валюта бозори тушунчаси, вазифалари, хусусиятлари, турлари;
- тижорат банкларнинг халқаро иқтисодиётдаги роли;
- халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси;
- факторинг тушунчаси;
- форфейтинг тушунчаси;
- экспорт лизинги ва унинг хусусиятлари;
- валюта муносабатлари, валюта тизими ва тўлов баланси;
- халқаро кредит тушунчаси, шакллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- валюта позициясини;
- валюта котировкаси, сотиш ва сотиб олиш курсларини;
- кросс-курс тушунчаси ва ҳисоблашни;
- FOREXда ишлатиладиган асосий тушунча ва белгиларни;
- узун ва калта валюта позицияларини;
- спот (жорий) валюта операцияларини;
- ёпиқ валюта позициясида сотув ва сотиб олиш тенглигини;
- валюта опционларининг турларини;
- валюта опционининг ички ва муддатли нархи **Форвард ва фьючерс валюта**

операцияларини;

- валюта арбитражи тушунчаси, хусусиятлари ва турлари;
- ташқи савдони кредитлашнинг бошқа ноанъанавий усулларини;
- депозит валюта ва конверсия (алмаштириш) операцияларини *билиши ва улардан*

фойдалана олиши;

- сотиш ва сотиб олиш курсларини аниқлаш;
- спот курсини аниқлаш;
- валюталаш санасини аниқлаш;
- форвард валюта операцияларини амалга ошириш;
- аутрайт курсини ҳисоблаш, форвард пунктлари, уларни аниқлаш;
- “муддатли, масофали, мукаммал (конверсия) арбитражи, уларни ишлатилиш;
- тижорат банкларининг халқаро операцияларини амалга ошириш;
- халқаро ҳисоб-китоблар, тижорат банкларининг корреспондент муносабатларини

аниқлаш;

- молиявий ва тижорат ҳужжатларини юритиш;
- ташқи савдони кредитлашни анъанавий усулларини қўллаш *кўникмаларига эга*

бўлиши керак.

6.2.4.4. Халқаро тижорат иши фани бўйича

Бакалавр:

- халқаро тижорат операцияларининг турлари;
- “халқаро савдо битимлари” тушунчаси;
- халқаро битимларнинг таснифий белгилари;
- контрагентларни таснифлаш халқаро тижорат операцияларининг субъекти

сифатида;

- халқаро товар биржалари ва аукционлар;
- халқаро савдо-сотик шартномалари тўғрисида бмт конвенциялари ва унинг
- мазмуни;
- инкотермс халқаро тижорат терминлари;
- савдо-воситачилик операциялари тушунчаси ва турлари *ҳақида тасаввурга эга*

бўлиши;

- халқаро тижорат операцияларини амалга ошириш усулларини;
- экспорт-импорт операциялари тартибга солишнинг савдо-сиёсий воситаларини;
- экспорт-импорт операцияларини боғхона статистика ҳисоби ва уни унификация

қилишни;

- импорт битимларига тайёргарлик процедурасини;
- экспорт-импорт операциялари тушунчаси ва турларини;
- реклама ва томонларнинг турли базавий шароитларида ҳуқуқлари ва
- мажбуриятлари кўргазма ишларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*

- тижорат битимларини расмийлаштириш;
- олди-сотди контрактларни тузишга тайёргарлик кўриш;
- халқаро тижорат амалиётини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солиш;
- халқаро тижорат амалиётига доир умумий қоидалари ишлаб чиқиш;
- контрагентлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларда халқаро савдо битимларни тайёрлаш процедуралари ва техникаси қўллаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

7. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5231100 - *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 5 (4) йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

Назарий таълим	140 ҳафта	172 ҳафта
Аттестация	19 ҳафта	24 ҳафта
Таътил	27 ҳафта	34 ҳафта
Малака амалиёти	13 ҳафта	20 ҳафта
Битирув иши	5 ҳафта	6 ҳафта
Жами	204 ҳафта	256 ҳафта

7.2. Талаба ҳафталик ўқув юкларининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкларининг ҳажми – 32 (34) соатгача, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 5 (4) йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

7.5. 5231100 - *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият)* бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоқи фанлари мазмуни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоқи бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар

7.5.2.1. Олий математика:

Сонли кетма-кетликлар. Кетма-кетлик лимити. Лимитни ҳисоблаш усуллари. Лимитни молияда ишлатилиши. Функция лимити. Узлуксиз функциялар. Тўғри чизиқ. Тўғри чизиқнинг бурчак коэффициенти. Тўғри чизиқнинг умумий тенгламаси. Тўғри чизиқнинг кесмалардаги тенгламаси. Функциянинг берилиш усуллари. Функция графиклари. Узлуксиз функция хоссалари. Иқтисоддаги функциялар. Талаб ва таклиф функцияси. Узлуксиз функциялар ҳақидаги теоремалар. Узлуксиз функция ҳосиласи. Дифференциллаш усуллари. Ҳосиланинг физик ва геометрик маъноси. Мураккаб функция ҳосиласи. Ошқормас функция ҳосиласи. Юқори тартибли ҳосилалар. Дифференциал тушунчаси. Ҳосила ёрдамида функцияни текшириш. Функциянинг энг кичик ва энг катта қийматини топиш. Ботиклик ва кабариклик, эгилиш нуқтаси. Асимптоталар. Функцияни тўла текшириш. Функция графигини қуриш. Лопиталь қондаси Аниқмас интеграллар. Бевосита интеграллаш. Интегрални ёрдамчи ўзгарувчи киритиш усулида ҳисоблаш. Бўлаклар интеграллаш. Каср - рационал функцияларни интеграллаш. Баъзи тригонометрик функцияларни интеграллаш. Аниқ интеграллар. Интеграллаш усуллари. Аниқ интегралнинг хоссалари. Аниқ интегралларнинг татбиқлари. Иқтисодда аниқ интегралнинг қўллаш. Ҳосмас интеграллар. Кўп аргументли функциялар. Иккинчи тартибли сиртлар. Параболоид, цилиндр, сфера. Кўп аргументли узлуксиз функциялар. Хусусий ҳосилалар. Юқори тартибли ҳосилалар. Йўналиш бўйича ҳосила. Градиент. Кўп аргументли функция дифференциали.

Кўп аргументли функция татбиқлари. Функция экстемумлари. Функциянинг энг катта ва энг кичик кийматлари. Кўп аргументли функцияларни иқтисодда ишлатилиши. Дифференциалнинг тақрибий ҳисоблашда ишлатилиши. Каррали интеграллар туғрисида тушунча. Каррали интегралларни ҳисоблаш усуллари татбиқлари. Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар. Дифференциал тенглама турлари. Ўзгарувчилари ажраладиган, чизикли ва биржинсли дифференциал тенгламаларни ечиш усуллари. Юқори тартибли дифференциал тенгламалар. Юқори тартибли дифференциал тенгламаларни тартибини пасайтириш усуллари Ўзгармас коэффицентли чизикли дифференциал тенгламаларни ечиш усуллари. Соли каторлар. Қаторнинг яқинлашиши. Тейлор қатори. Даражали каторлар. Функционал каторлар. Каторларни интеграллаш ва дифференциаллаш.

7.5.2.2. Математик статистика ва эҳтимоллар назарияси:

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанининг мақсади, кўриладиган масалалари. Маълумотларни йиғиш усуллари ва уларга кўйиладиган талаблар, уларни жамлаш ва тақдим этиш усуллари. Гистограмма, полигон, нисбий полигон, кумулятив тақсимот тушунчалари. Ўрта арифметик, медиана, мода, ўртача геометрик миқдорлар, дисперсия, ўртача квадратик четлашиш, вариация коэффиценти. Элементар ҳодисалар фазоси, ҳодиса, ҳодисалар устида амаллар. Эҳтимолликнинг классик таърифи. Ҳодисанинг эҳтимолини ҳисоблаш, комбинаторика элементлари ва уларнинг эҳтимолликни топишда қўлланилиши. Тўла эҳтимоллик формуласи. Бейес теоремаси. Бейес формуласини иқтисодий масалаларни ечишда қўлланилиши. Тасодифий миқдорлар ҳақида тушунча. Дискрет ва нодискрет тасодифий миқдорларни таърифлари. Дискрет тасодифий миқдорларнинг бири-бирига қўшиш, айириш, ўзаро кўпайтириш ва даражага кўтариш амаллари. Дискрет тасодифий миқдорларни жадвал кўринишида берилиши, уларнинг тақсимот қонуни. Дискрет тасодифий миқдорларнинг тақсимот функцияси ва унинг графиги. Узлуксиз тасодифий миқдорлар ҳақида тушунча. Тасодифий миқдорнинг маълум бир ораликка тушиш эҳтимолини топиш ҳақидаги теорема. Узлуксиз тасодифий миқдорларнинг зичлик функцияси ва унинг хоссалари. Тақсимот ва зичлик функцияларининг қўлланилиши. Бернулли, Биномиал, Пуассон, текис ва кўрсаткичли тақсимот қонунлари, тақсимот ва зичлик функциялари, уларнинг графиклари. Уларнинг математик кутилмаси, дисперсияси ва моментлари. Тақсимотларнинг иқтисодий масалаларни ечишга татбиғи. Математик статистиканинг асосий масаласи. Бош ва танланма тўплам. Танланманинг тақсимоти. Эмперик тақсимот функция ва унинг хоссалари. Гистограмма. Бош ва танланмаларни ўртача кийматлари ва дисперсиялари. Нормал тақсимотнинг параметрларини баҳолаш, математик кутилмаси маълум бўлган ҳол, дисперсия маълум бўлган ҳол ва умумий ҳол. Параметрлар учун ишонч ораликлари. Иқтисодий масалаларни ечишда қўлланилиши. Статистиканинг иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишда, тижоратда, бозорни ўрганишда, ижтимоий масалаларни ечишда, банк ва молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилишда ва прогноз қилишдаги татбиқлари.

7.5.2.3. Иқтисодиётда миқдорий усуллар:

Иқтисодий масалалар, математиканинг иқтисодиётда қўлланилиши. Матрица. Матрицалар устуда амаллар. Детерминант. Детерминантнинг хоссалари. Минор. Матрицанинг ранги. Алгебраик тўлдирувчи. Тескари матрица. Тескари матрицани топиш усуллари. Матрицанинг хос сони. Тенгламалар системаси. Тенгламалар системасини ечиш усуллари. Крамер усули. Гаусс усули. Тескари матрицалар усули. Кронекер-Капелли теоремаси. Иқтисодий масалаларни ечишга татбиғи. Векторлар устуда амаллар. Векторларнинг чизикли боғлиқлиги. Базис векторлар. Векторнинг базисга ёйилмаси. п-ўлчовли фазо тушунчаси. Иқтисодий масалаларни ечишга татбиғи. Модель тушунчаси. Иқтисодий моделлар. Тармоқлараро баланс модели. Иқтисодиётнинг маҳсулдорлиги. Маҳсулдорликни текширишнинг зарур ва етарли шартлари. Иқтисодий масалаларни моделлаштириш. Ишлаб чиқариш ҳақидаги масала. Мақсад функцияси. Нисаралар. Диета

масаласи. Фойдани максималлаштириш. Зарарни минималлаштириш. Иктисодий масалаларни ечишга татбиғи, ҳолатларни ўрганиш. Чизикли дастурлаштириш масаласини ечишнинг график усули. Жонз ечимлар соҳасини қуриш. Соҳа чегараланган, чегараланмаган ва бўш бўлган ҳоллар. Чизикли дастурлаштириш масалаларини каноник кўринишга келтириш. Чегаранинг ўнг томони манфий. Чегара тенгсизлик билан берилган. Ёрдамчи ўзгарувчилар киритиш. Базис ечим. Бошланғич базис ечимни топиш. Симплекс жадвални қуриш. Жадвалнинг асосий қисми. Охириги сатр элементларини топиш. Оптималлик мезони. Мақсад функциясининг жонз соҳасида чексиз ўсиши. Базис ечимни яхшилаш мумкин бўлган ҳол. Ҳал қилувчи устун. Ҳал қилувчи сатр. Ҳал қилувчи элемент. Транспорт ва транзит масалалари. Умумий ҳолда транспорт масаласининг математик модели. Мақсад функцияси. Чегаралар. Масаланинг махсус кўринишлари. Ишга тайинлаш, ишлаб чиқариш ва сақлаш ҳақидаги масалалар. Масаланинг кўйилиши. Транспорт масаласига келтирилиши. Мақсад функцияси. Чегаралар. Ишлар сони ишчилар сонига тенг бўлмаган ҳол. Ишлаб чиқариш ва сақлаш ҳақидаги масала. Матрицали ўйинлар (соф стратегиялар). Матрицали ўйинга келтириладиган масалалар. Ўйинчиларнинг стратегиялари. Ўйиннинг қуйи ва юқори баҳолари. Ўйиннинг баҳоси. Соф стратегияларда ўйин баҳосининг мавжудлик шarti. Иктисодий масалаларни ечишга татбиғи, ҳолатларни ўрганиш (Case study) Ўйинчиларнинг стратегиялари. Ўйиннинг баҳоси. Аралаш стратегиялар. Ютуқ функциялари. Ўйиннинг ечими: оптимал аралаш стратегиялар ва ўйиннинг баҳоси. Хукмрон ва тобе стратегиялар. Қавариқ тўпламлар. Қавариқ функциялар. Бир марта узлуксиз дифференциалланувчи функция қавариқлигининг зарур ва етарли шarti. Номанфий аниқланган матрицалар. Икки марта узлуксиз дифференциалланувчи функция қавариқлигининг зарур ва етарли шarti. Оптимал ечим танлашнинг Байес-Лаплас қондаси. Оптимал ечим танлашнинг нисбий пессимизм позицияси - Сэвидж қондаси.

7.5.2.4. Эконометрика:

Математик модел тушунчаси ва уни қуриш усуллари. Талаб ва таклиф модели, Ишлаб чиқариш функцияси ва унинг хоссалари, Кобба-Дугласс функцияси ва унинг асосий характеристикалари, макроиктисодий мувозанат модели: классик ва кейнсиан. Асосий эконометрик моделлар: вақт қаторлари, бир факторли ва кўп факторли регрессион моделлар. Корреляцион таҳлил. Корреляция коэффициенти, корреляция коэффициентини ҳисоблаш формуласи, хоссалари, корреляцион таҳлилда гипотезаларни текшириш, корреляция коэффициенти стандарт хатолиги, мисоллар. Чизикли тенгламалар, боғлиқ ва эркин ўзгарувчилар, функционал ва статистик моделлар, оддий регрессия чизиги, параметрларни баҳолаш, регрессион таҳлилда гипотезаларни текшириш, стандарт хатоликлар, қолдик, детерминация коэффициенти, иктисодий масалаларни ечишга татбиғи, ҳолатларни ўрганиш (Case study), компьютерда Excel пакети ёрдамида регрессия моделини ясаш, корреляция коэффициентини ҳисоблаш, гипотезаларни текшириш. Корреляция матрицаси ва унинг таҳлили, предикторлар (эркин ўзгарувчилар)ни танлаш қондалари, мультиколлениарлик муаммоси ва унинг оқибатлари. Кўп ўзгарувчили регрессион моделлар, моделга кўйиладиган фаразлар, танланма учун регрессия тенгламаси, параметрларни баҳолаш, параметрларнинг иктисодий масалалардаги маъноси, ишонч интерваллари. Регрессион тенглама параметрлари учун кўйиладиган гипотезалар, гипотезаларни бир ёқлама ва икки ёқлама текшириш, t-статистика, детерминация коэффициенти ва унинг маъноси, детерминация коэффициентига кўйиладиган гипотезалар ва уларни текшириш, F-статистика, компьютер дастурлар пакетини ишлатиш. Вақт қаторларининг асосий ташкил этувчилари (компонентлари). Вақт қаторларини силликлаш. Автокорреляция функцияси. Авторегрессия моделлари. Стационар вақт қаторлари. Бокс-Дженкинс модели (ARIMA-model), мавсумийлик йўқ ҳолда. Бокс-Дженкинс модели (ARIMA-model), мавсумийлик бор ҳолда. Иктисодий муаммоларни ечишда эконометрик моделларнинг ишлатилиши. Ҳолатларни ўрганиш (Case Study).

7.5.2.5. Информатика ва ахборот технологиялари:

Ахборот тушунчаси. Ахборот ва маълумотларнинг таснифи ва хусусиятлари. Ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш жараёнларининг таснифи. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнлари. Ахборотлашган жамият. Ахборот маданияти. Иқтисодийда ахборот технологиялари фанининг мақсад, вазифалари ва предмети. Ахборот инфраструктураси. Ахборотлаштириш концепцияси ва унинг вазифалари. Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш дастури ва уни амалга оширишнинг чора-тадбирлари. Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини иқтисодийга татбиқ қилиш тўғрисидаги қонуни. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда фанининг аҳамияти. Технологиялар. Ахборот технологиялари. Технологияларнинг умумназарий жиҳатлари. Моддий ресурслар: маҳсулот, ахборот маҳсулоти, технология компонентлари Автоматлаштирилган ахборот технологияларининг таснифи. Ахборот тизимининг бутун ҳаётий цикли. Ахборот технологиясининг элементлари. ААТни татбиқ қилиш усуллари. Компьютер графикаси. Тармоқли ААТ. Интеграллашган ахборот технологиялари. Ахборот фаолияти. Ахборот-коммуникациялар бизнеси иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари. Интерактив хизматлар. Ахборот-коммуникациялар бизнесига таъсир қилувчи омиллар. Ахборот маҳсулотлари. Интерактив хизматлар маҳсулотларининг таснифи. Ахборот технологиялари эволюцияси. Механик, электро-механик, электрон давр. Ахборотни тақдим этиш тизимининг ривожланиши. Нутқ, ёзув, китоб. Коммуникация тизимининг ривожланиши. Телеграф, телефон, радио, телевизор, Интернет, видеоконференция, телеконференция. Ахборот технологияларининг ривожланиш тенденциялари. Глобаллаштириш. Конвергенция. Ташкилотни бошқаришнинг автоматлаш-тирилган ахборот тизими. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг концептуал ва функционал модели. Автоматлаштирилган ахборот тизимининг тузилиши. Ахборот таъминоти. Техник таъминот. Математик таъминот. Дастурий таъминот. Умумий тизимли дастурий таъминот. Махсус дастурий таъминот. Услубий таъминот ва ташкилий таъминот. Эргономик таъминот. Ҳуқуқий таъминот. Лингвистик таъминот. Ахборот тизимининг функционал қисми. Автоматлаштирилган ахборот тизимининг ҳаётий цикли. Автоматлаштирилган ахборот тизимларини автоматлаштириш даражаси бўйича туркумлаш. Автоматлаштирилган ахборот тизимларини бошқарув жараёни бўйича туркумланиши. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг қўлланилиш ва фаолият кўрсатиш соҳаси бўйича туркумланиши. Бошқарув тизимининг даражаси бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимларини туркумланиши. Автоматлаштирилган ўқитиш тизимлари. Сифат даражаси бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимларининг синфларга бўлиниши.

7.5.2.6. Жаҳон иқтисодий географияси ва экология:

Ҳозирги замон иқтисодий географик шароит ва жаҳон ресурслари. Дунёнинг ҳозирги замон сиёсий харитаси. Иқтисодий ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатлар. Дунё табиий ресурсларининг жойланиш географияси. Аҳолишунослик, дунё аҳолисини сони, демографик «портлаш». Жаҳон иқтисоди ривожланишининг умумий таърифи ва қонуниятлари. Жаҳон саноат географияси. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Озиқ-овқат муаммоси ва уни ҳал этиш йўллари. Жаҳон транспорт географияси. Халқаро иқтисодий алоқалар. Европа мамлакатлари. Ғарбий Европа мамлакатлари ва уларнинг иқтисодий ўрни. Евроосиё. Шимолий Америка давлатлари ва иқтисодий аҳволи. Жанубий Америка давлатлари ва иқтисодий аҳволи. Хорижий шарқ ва ундаги давлатларнинг географик таърифи. Африка қитъаси ва давлатлар. Австралия ва Океания. Инсониятнинг глобал муаммоларини асослаб бериш. биосфера ва инсон: биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, муҳит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг глобал муаммолари. табиатдан фойдаланиш: табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш

асослари, экологик ҳимоя техникаси ва технологияси, экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорлик. Экологик вазият ёмонлашувининг ижтимоий жиҳатлари. Глобал геозкологик муаммоларнинг кишилиқ жамиятига таъсири. Ўзбекистонда экологик вазиятни тартибга солиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш йўналишлари. Ўзбекистон ҳудудига антропоген таъсирнинг тарихий-иктисодий ўзгариб бориши.

7.5.3. Умумкасбий фанлар мазмуни ва компонентлари

7.5.3.1. Иқтисодий таълимотлар тарихи:

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанининг предмети ва ўрганиш усули. Қадимги дунё иқтисодий ғоялари. Феодал жамияти ва унинг емирилиши давридаги иқтисодий қарашлар. Ўрта Осиёдаги теурийлар давригача бўлган иқтисодий ғоялар. Амир Темур ва теурийлар давридаги иқтисодий ғоялар ва иқтисодий сиёсат. Меркантилизм иқтисодий таълимотининг моҳияти ва аҳамияти. Классик мактабнинг иқтисодий таълимотлари. Англия ва Францияда классик мактабнинг вужудга келиши. Физиократизм иқтисодий таълимоти. Классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланиши. Адам Смитнинг иқтисодий таълимотлари. Д.Рикардо, Ж.Б.Сэй, Т.Мальтус ва бошқаларнинг иқтисодий таълимотлари. Ж.Милль, Ж.Мак-Куллох ва бошқаларнинг иқтисодий ғоялари. Классик иқтисодий мактабга муқобил ғояларнинг моҳияти. Бозор иқтисодиётига муҳолиф йўналиш моҳияти ва унинг тарихий тадбири. Германиядаги тарихий мактаб ғояларининг ўзига хос хусусиятлари. Маржинализм таълимоти ва неоклассик иқтисодий мактаблар. Иқтисодиётни тартибга солиш концепциялари. Институционализм йўналиши моҳияти ва аҳамияти. Номукамал рақобат бозори назариялари. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш таълимотлари. Ж.М.Кейнснинг иқтисодий таълимоти. Кейнсчилар ва некейнсчилик. Неолиберализм ғояларининг моҳияти ва аҳамияти. Ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари эволюцияси. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреатларининг ғоялари. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги иқтисодий ғоялар. Ўтиш даври иқтисодий таълимотлари. Ўтиш даврининг моҳияти ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даври концепцияси.

7.5.3.2. Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт:

Микроиқтисодиёт фанининг предмети, вазифалари, тадқиқот услублари, фанининг базис тушунчалари. Ресурслар чекланганлиги ва иқтисодиётнинг бош муаммоси. Бозор ва бозор иқтисодиёти. Талаб ва таклиф, бозор мувозонати, максимал ва минимал нархлар. Талаб ва таклиф эластиклиги. Эластиклик назариясини амалда қўллаш. Эластиклик ёрдамида сотувчи даромадини таҳлил этиш. Эластиклик орқали солиқ юқини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимлаш масаласи. Бозор иқтисодиётида истеъмолчи танлови ва унга таъсир қилувчи омиллар. Истеъмолчи танлови масаласи. “Даромад” самараси, “Алмаштириш” самараси. Ишлаб чиқариш назарияси. Нафлилик назарияси. Чекли унумдорликнинг камайиш қонуни. Ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш. Ишлаб чиқариш функциялари. Фирмаларнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Ишлаб чиқариш харажатлари ва фирма фойдаси. Қисқа муддатли ораликда рақобатлашган бозорда фирма ҳаракати, мувозанати, фойдаси ва таклифи. Узоқ муддатли ораликда фирма ва тармоқ мувозанати. Масштаб самараси. Корхонанинг самарали куввати. Бозор тузилмалари турлари. Соф монополия, рақобатлашган монополия ва олигополия шароитида нарх белгилаш. Рақобатлашган монополия, олигополия ва соф монополия шароитида фойдани максималлаштириш шартлари. Монополияга қарши қонунчилик, меҳнат бозори, капитал бозори ва ер бозори, иқтисодий рента. Умумий мувозанатлик. Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш. Таваккалчилик ва уни пасайтириш йўллари. Ташқи самара, Коуз теоремаси ва унинг аҳамияти. Бозор иқтисодиётини бошқаришда давлатнинг роли.

Макроиқтисодиёт тушунчаси, ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни

хисоблаш: макроиктисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар. Иктисодий даврлар ва иктисодий тебранишларнинг сабаблари. Меҳнат бозорида мувозанат механизми. Ишсизликнинг иктисодий оқибатлари. А. Оукен қонуни. Инфляциянинг моҳияти, турлари ва хисобланиш усуллари. Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик. Филипс эгри чизиги. Истеъмол ва инвестиция функциялари. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари. Истеъмол ва жамғаришга чегараланган мойиллик. Акселератор модели. AD - AS модели. Классик иктисодчиларнинг иктисодий мувозанат назарияси хусусиятлари. Кейнснинг макроиктисодий мувозанат назарияси асослари. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар. «Кейнс хоҳи». Ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат. даражасига эришиш механизми. Автоном харажатлар мультипликатори. Пул агрегатлари. Пулга талабнинг классик назарияси. Пулга талабнинг кейнсча назарияси. Банк ва пул мультипликатори. Пул таклифининг кенгайтирилган модели. Бозор иктисодиётида давлатнинг роли: давлатнинг бозор иктисодиёти ривожланишига аралашуви зарурлиги. Давлатнинг иктисодий функциялари. Иктисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Ресурсларни қайта тақсимлаш ва барқарорлаштириш сиёсати. Фискал сиёсат. Пул-кредит сиёсати. Пул-кредит ва фискал сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги. IS-LM модели. IS - LM моделининг моҳияти ва AD-AS модели билан боғлиқлиги. Иктисодий ўсиш ўлчови. Иктисодий ўсишнинг Домар модели. Иктисодий ўсишнинг Р. Харрод модели. Р.Солоунинг неоклассик модели асослари. Халқаро савдо назарияси. Ташқи савдо сиёсати. Тўлов баланси. Валюта курси. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ва натижалари.

7.5.3.4. Статистика:

“Статистика” фанининг предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Оммавий ҳодиса, унинг муҳим белгилари. Статистика методи. Статистик тадқиқот ва унинг босқичлари. Ҳозирги замон Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси ва халқаро статистика. Статистик кузатиш моҳияти ва аҳамияти. Статистик кузатишни ташкил этиш тамойиллари. Статистик сводкаш ва гуруҳлаш, унинг мазмуни, аҳамияти ва вазифалари. Гуруҳлаш турлари. Статистик кўрсаткич турлари ва таснифи. Статистик кўрсаткичларни тақдим этишнинг асосий усуллари. Умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизими. Мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар. Мутлақ кўрсаткич турлари. Нисбий кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва ифодалаш шакллари. Статистик жадваллар. Статистик маълумотларни графикларда тасвирлаш. Диаграммалар. Ўртача миқдор турлари ва шакллари. Арифметик ўртача: оддий ва тортилган шакллари. Геометрик ўртачанинг хоссалари. Квадратик ва кубик ўртача миқдорлар ҳамда уларни қўллаш масалалари. Даражали ўртача. Вариация моҳияти ва уни статистик ўрганиш зарурияти. Вариация кўрсаткичлари. Асимметрия коэффициенти ва уни аниқлаш тартиби. Таксимот эксцесси, унинг моҳияти ва даражасини миқдорий баҳолашнинг аҳамияти. Танланма кузатиш, унинг мазмуни, қўлланиш сабаблари ва афзалликлари. Танланма репрезентативлигини таъминловчи танлаш усуллари. Корреляцион-регрессион усулларини қўллаш шарт-шароитлари. Жуфт корреляция. Жуфт регрессия тенгламасини тузиш тартиби. Жуфт корреляция коэффициенти ва уни талқини. Детерминация коэффициенти ва уни талқин этиш. Динамика қаторларининг турлари. Қатор ўртача даражаси ва ўртача динамикаси суратини аниқлаш усуллари. Динамика қаторларида асрий тенденциялар, мавсумий ва конъюнктуравий тебранишлар, уларни ўрганиш зарурияти. Динамика қатори даражаларини интерполяциялаш ва экстраполяциялаш. Иктисодий индексларни моҳияти, аҳамияти ва роли. Агрегат индекслар, уларнинг синтетик ва аналитик функциялари. Жорий ва базис вазли индекслар, уларнинг хусусиятлари. Статистика амалиётида қўлланиладиган иктисодий индекслар. ЯИМ дефлятори ва жисмоний ҳажм индекси. Истеъмол баҳолари индексини тузиш тартиби. Миллий ҳисобламалар тизими (МХТ) - макроиктисодий статистиканинг асосий услуги. МХТ моҳияти, аҳамияти ва функциялари. МХТ нинг асосий категориялари ва тушунчалари. МХТни асосий ҳисобламалари ва уларнинг кўрсаткичлари.

7.5.3.5. Ўзбекистон Республикаси Миллий иқтисодиёти:

Миллий иқтисодиёт тушунчаси ва мазмуни. Миллий иқтисодиётнинг амал қилишини таъминловчи омиллар. Миллий иқтисодиёт фаолияти – иқтисодий механизмларнинг ўзаро алоқадорлик ҳаракати сифатида. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши. Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар. Миллий иқтисодиётда мамлакат ривожини тавсифловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар: ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот, миллий даромад, шахсий даромад ва шахсий ихтиёрдаги даромад. Миллий бойлик - давлатнинг қудратини белгиловчи кўрсаткич. Мамлакат миллий бойлигининг тушунчаси. Миллий бойлик - жамият ихтиёридаги меҳнат билан яратилган ва жамгарилган моддий неъматлар мужассаи сифатида. Миллий бойликни ҳисоблашдаги ёндашув. Моддий хом ашё ресурслари миллий иқтисодиётни ривожлантириш асосида. Иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси ва миллий бойлик ўртасидаги боғлиқлик. Республиканинг қазилма бойликлари.

7.5.3.6. Молия:

Молия ва солиққа оид муносабатларнинг юзага келиши ва уларга оид илмий назарий қарашлар. Молиянинг моҳияти, унинг турлари ва функциялари. Давлат молияси, хўжалик юритувчи субъектлар молияси, уй хўжаликлари молияси ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш тартиби. Давлат бюджети ва унинг таркиби. Бюджет жараёни: тузиш, тасдиқлаш, ижро этиш ва ҳисоботни тасдиқлаш. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар лойиҳасини тузиш ва уни молиялаштириш тартиби. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг даромад манбалари ва харажат йўналишлари. Бюджет сиёсати ва уни амалга ошириш босқичлари. Молиявий назорат ва уни ўтказиш тартиблари. Халқаро молия муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда халқаро молия институтлари билан ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва истижоблари.

Солиқларнинг вужудга келиши шарт-шароитлари. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурлиги. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари. Солиққа тортиш тамойиллари ва элементлари. Солиққа тортиш тартиблари ва усуллари. Солиқ механизми. Солиқ сиёсати: стратегияси, тактикаси ва концепцияси, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари ва амалга ошириш тартиби. Солиқ тизими: умумдавлат ва маҳаллий солиқлар; эгри ва тўғри солиқлар; ресурс солиқлари. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби. Солиқ ҳисоботи шакллари ва уларни тақдим этиш муддат ва қодалари. Солиқ текширувлари ва уларни амалга ошириш тартиблари. Солиқ ва молия тизими амалиётида қўлланиладиган дастурий маҳсулотлар ва махсус компьютер дастурларини қўллаш тартиби. Халқаро солиққа тортиш муносабатлари. Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш бўйича дипломатик муносабатлари. Солиқ тўловлари ва бюджет харажатларини тақсимлаш бўйича маҳаллий ҳокимиятлар, статистика, солиқ ва молия органлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларни мувофиқлаштириш тартиби.

7.5.3.7. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит:

Ўзбекистон Республикаси ҳисоб тизими тўғрисида тушунча; ҳисобининг турлари; бухгалтерия ҳисобининг предмети, объекти ва вазифалари; бухгалтерия ҳисобининг усуллари; бухгалтерия баланснинг тузилиши; хўжалик операциялари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар; пул маблағлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китоблар ҳисоби; касса операцияларининг ҳисоби; банкдаги ҳисоб-китоб, валюта счёти ва махсус счёتلарнинг ҳисоби; материаллар ҳисоби, уларни туркумлаш ва баҳолаш усуллари; материаллар инвентаризацияси; асосий воситаларни тан олиш, туркумлаш ва баҳолаш тартиби; асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш; асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби; асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва усуллари; асосий

воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби; асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби; номоддий активлар ҳисоби; номоддий активларни баҳолаш; номоддий активларнинг аналитик ҳисоби; меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари ва турлари; меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш; иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби; меҳнат таътили заҳиралари ва тўловлари ҳисоби; харажатларни тан олиш ва туркумлаш; ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни тақсимлаш; маҳсулот таннархи таркиби ва турлари; таннархни меъёрий, жараёни, бўлинмалли, буюртмалли, оддий ҳисоблаш усуллари; ҳақиқий таннархни ҳисоблаш; давр харажатлари ҳисоби ва уларнинг тақсимлаш усуллари; тайёр маҳсулотлар ҳисоби; маҳсулотни сотишда баҳо ўрнатиш тартиби; маҳсулот сотишни ҳисобга олиш; хусусий капитал, унинг таркиби (устав, қўшилган, резерв); капитал ҳаракатини ҳисобга олиш; тақсимланмаган фойда ҳисоби; мажбурийлар ҳисоби; молиявий натижаларни аниқлаш тартиби; асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби; умумҳўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби; солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ҳисоби; соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш ҳисоби; фойда ва зарарлар ҳисобини юритиш тартиби; молиявий ҳисобот ва унинг таркиби, бухгалтерия баланси; молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот; пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот; молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар; молиявий ҳисобот маълумотлари ва унга таъсир этувчи омиллар. Аудитнинг моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти ва уни тартибга солиш. Аудиторлик стандартлари ва аудитнинг услубияти. Аудиторлик текширувини тайёрлаш. Аудиторлик текширувининг стратегияси. Аудитнинг технологияси. Товламачилик ва хато. Аудиторлик текширувини яқунланиши, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси.

7.5.3.8. Менежмент асослари:

Менежментнинг ривожланиш тарихи ва замонавий концепциялари. Менежментнинг фан сифатида шаклланиш шарт-шароитлари. Менежментнинг илмий мактаблари. Ўзбекистонда бошқарувнинг ривожланиши. Менежментнинг хорижий моделлари. Менежментнинг назарий асослари. Бошқарув ва менежмент. Бошқарувнинг моҳияти ва тизими. Менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамойиллари. Бошқарув усуллари. Меҳнатни бошқариш характери. Меҳнатни бошқариш турлари. Ф.Тейлорнинг меҳнатни бошқариш усуллари. Меҳнатни технократик бошқариш. Менежмент технологияси. Бошқарув жараёни ва вазифалари. Режалаштириш. Ташкил этиш. Мотивация. Мувофиқлаштириш. Бошқарувда ахборотлар ва коммуникациялар. Бошқарув қарорлари. Ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг тавсифи. Ташкилотлар ва уларни бошқариш. Ташкилотларнинг ички ва ташқи муҳити. Ташкилотлар фаолиятини туркумлаштириш. Ташкилий тузилмаларнинг турлари. Асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари. Ташкилотлар ривожланишидаги замонавий тенденциялар. Ташкилотларнинг янги турлари. Ташкилотларни стратегик бошқариш. Ташкилий ўзгаришларни бошқариш. Бошқарув самарадорлиги. Замонавий менежер сифатлари. Менежер тушунчаси, шахсий ва ишга доир сифатлари, вазифалари. Менежер ва стакчи. Менежернинг услуби ва имиджи. Ишга доир этика ва этикет. Бошқарув меҳнатини ташкил этиш. Бошқарув меҳнати: таърифи, хусусиятлари, турлари. Бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш. Раҳбарни ўзини ўзи бошқариши. Менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш. Меҳнат жамоаларида ходимларни бошқариш. Жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш босқичлари. Таъсир ўтказиш ва ҳукмронлик. Низоларни бошқариш. Ходимларни бошқариш. Корхона салоҳиятини бошқариш. Корхона салоҳиятини бошқариш технологияси. Корхона салоҳиятининг рақобатбардошлигини баҳолаш усуллари.

7.5.3.9. Маркетинг асослари:

Маркетинг тушунчаси ва унинг моҳияти. Маркетингни вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари. Маркетинг назарияси концепцияси ва унинг эволюцияси. Замонавий маркетинг тушунчаси. Маркетинг тамойиллари, вазифалари ва функциялари. Маркетинг фаолиятини ахборот билан таъминлаш. Ахборот турлари ва уларни туркумлаш

Бирламчи ва иккиламчи ахборот. Ахборот тўплаш услублари. Маркетингнинг таркибий тузилиши. Тармоқ маркетинги. Товарлар ва хизматлар маркетинги. Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги. Микромаркетинг ва макромаркетинг. Халқаро маркетинг. Маркетинг дастури ва унинг асосий бўлимлари. Маркетингда стратегик ва тактик режалаштириш, унинг мақсади ва вазифалари. Маркетинг назорати турлари. Бозор конъюнктурасини тадқиқ этиш ва башорат қилиш. Бозор сегментацияси ва унинг турлари. Бозорни сегментлашнинг асосий тамойиллари. Мақсадли сегментни таялаш. Маркетингда товар ва товар сиёсати. Товарлар рақобатбардошлигини баҳолаш услублари. Товарларнинг ҳаётийлик даври ва уларнинг асосий бўғинлари. Товарнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари. Маркетингда нарх ва нарх сиёсати. Нархни таҳлил этиш ва башорат қилиш услублари. Нарх даражасини ҳисоблаш услублари. Товарларнинг “ҳаётийлик даври” мобайнида нархларнинг ўзгариши. Янги товарларга нарх ўрнатиш. Маркетингда сотиш сиёсати. Чакана савдо, улгуржи савдо. Воситачини танлаш. Тақсимот каналлари. Сотининг янги турлари ва шакллари. Сотиш харажатлари таҳлили. Маркетингда коммуникация сиёсати, унинг моҳияти, мазмуни ва мақсади. Талабни шакллантириш ва сотини рағбатлантириш. Маркетинг коммуникацияси комплекси. Маркетинг коммуникацияси воситаларидан самарали фойдаланиш.

7.5.3.10. Молиявий менежмент:

Молиявий ҳисобот. Молиявий менежмент усуллари. Молиявий ҳисобот; асосий талаблар. Бухгалтерия балансининг тузилиши. Молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботнинг тузилиши. Пул оқими ҳисоботининг тузилиши. Молиявий тизим. Молия воситалари. Молиялаштириш турлари. Иқтисодиётдаги молия оқимларининг таҳлили. Мураккаб фоизлар. Пул оқимининг ўлчаниши. Ануитетлар: Компаундирланган қийматни аниқлаш. Ссудаларни тўлаш таҳлили. Молиявий аҳвол таҳлилининг мақсади. Миқдорий ва сифат даражали таҳлил. Ликвидлилик таҳлили. Самарадорлик таҳлили. Қарзларни бошқаришнинг таҳлили. Молиявий коэффицентлар таҳлили. Фоизли ва индексли таҳлил. Пул сармоялари таҳлили. Пул оқими таҳлили. Айланма маблағ тузилишининг таҳлили. Кредиторлик қарзлар ва айланма маблағларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлили. Дебиторлик қарзлари таҳлили. Товар-моддий қийматлар таҳлили. Қимматли қоғозлар таҳлили. Бюджетлаш учун керакли ахборотнинг таҳлили. Лойиҳаларни баҳолаш турлари. NPV, IRR ларнинг инвестиция қилишдаги роли. Инфляция ва узоқ муддатли инвестициялар таҳлили. Корхона леверажининг таҳлили. Молиявий хавф-хатар таҳлили. Қарзларни бошқариш таҳлили. Дивидендлик сиёсати таҳлили. Молиялаш манбалари таҳлили. Молиявий бозордаги кредитлар таҳлили. Кредитлар турлари. Кредитларга қўйиладиган асосий шартлар. Қимматли қоғозлар эмиссияси. Ссуда ва ижарани молиялаштириш. Узоқ муддатли кредитлар. Узоқ муддатли мажбурият.

7.5.3.11. Банк иши:

Молиявий бозор тизими. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий тизим тушунчаси. Молиявий тизимнинг таркибий тузилиши. Молия ва банк тизими. Банк тизимида қирмайдиган институтлар тизими. Тўлов тизими. Банклар тушунчаси ва келиб чиқиши. Марказий банк: операцияларнинг функциялари ва моҳияти. Марказий банк баланси. Тижорат банклари: операцияларнинг функциялари ва моҳияти. Сармояларни жалб қилиш. ТБнинг кредит операциялари. ТБнинг жамғарма операциялари. Ўзлик сармоянинг пайдо бўлиши. ТБ фаолиятини бошқариш. Пул тизимларининг тури ва моҳияти. Тўлов тизимининг моҳияти. Тўлов шакллари. Вексель муомаласи. Тўлов карточкалари билан ҳисоблашиш. Банклараро муҳбирлик муносабатлари. Клиринг ҳисобларини ташкил этиш. Халқаро кредитлар. Валюта бозори ва валюта операциялари. Ташқи савдони кредитлаш. АҚШнинг банк тизими. Англия ва Германияларнинг банк тизимлари. Россиянинг банк тизими.

7.5.3.12. Асосий чет тили:

Фонетик курси. Чет тилининг умумий товуш тизимининг таснифи. Талаффуз ва ўқиш коидаларининг хусусиятлари. Чет тилининг диалект хусусиятлари мисолида монологик ва диалогик намуналарини эшитиб тушуниш. Амалий грамматика. Сўз туркумларининг умумий таснифи, асосий ва ёрдамчи сўз туркумлари. Олмошлар, уларнинг турлари ва вазифалари. Сифатларнинг тавсифи, қиёсий даражалари. Равишлар, қиёслаш даражалари. Сон, тартиб ва санок сонлар. Феъл. Феълларнинг тавсифи. Ўтимли ва ўтимсиз, асосий ва ёрдамчи феъллар, боғловчи феъллар. Феъл турлари. Шахс ва шахси номаълум феъллар: инфинитив. Сўзлашув амалиёти. Саломлашиш. Оила. Вакт. Хонадон. Уй. Йил фасллари. Ўзбекистон - умумий маълумотлар (география, аҳоли, иқлим, табийий ресурслар). Тошкент. Шаҳарнинг қизиқарли жойлари. Кундалик ишлатиладиган диалоглар. Таом. Миллий таомлар. Дўконда. Транспорт. Об-ҳаво. Сўз одоби. Иш одоби. Мавзулар бўйича чиқишлар: ёзма нутқ амалиёти. Хат ёзиш шакллари. Уйда ўқиш. Мамлакатшунослик. Таржима: бадий, илмий-оммабоп, жамоасиёсий матнларни ҳам ёзма ва оғзаки таржима қилиш. Ҳуқуқий мавзусидаги газета мақолаларидан реферат тайёрлаш. Ҳуқуқий иш ёзишмалари, ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили ва таржимаси, ишончномалар, контрактлар, арбитраж бўйича ҳужжатлар тузиш. Суд жараёнида чиқишларни оғзаки таржима қилиш. Жорий воқеалар (газета материаллари асосида). Газетанинг тузилиши. Газета жанрлари. Оммавий-ахборот воситаларида ёритиладиган умумбашарий муаммолар.

Алоҳида мавзу бўйича оғзаки маъруза матни тузиш; мақола, маъруза, баҳс-мунозараларни аниқ ва равшан қилиб умумлаштириш; аниқ тизимга асосланган ҳолда қўшимча, етарли бўлган ҳолда ва таниш мавзу бўйича ўз фикрини ифода қила олиш. таниш ва нотаниш мавзу бўйича тузилган матнлардан асосий / керакли бўлган ахборотни, шахсий ва мутахассислик бўйича корреспонденцияларни (хат-хабарларни) тушуниш; диаграмма, схема, чизмаларни қисқача таърифини тушуниш; мураккаб бўлган маълумотларни идрок этиш; махсус, мураккаб бўлган ёзма йўриқнома ва қўлланмаларни тушуниш; касбга оид мақола ва маърузалардан керакли ахборотни ажратиб олиш; керак ёки нокераклигини аниқлаш мақсадида матни у ёки бу қисмини синчиклаб ўқиш, конференция дастурларини ўқибтушуниш; махсус маълумотларни (тил юзасидан бўлган хатларни, маълумотларни, электрон хатларни) ёза олиш; эссе ва маърузаларни ёза олиш; аниқ мантиққа эга бўлган илмий мақолалар ва илмий тадқиқот ишларни ёза олиш; ёзма таклифлар, ҳисобот ва резюмелар туза олиш; битирув ишларни зарур бўлганда ёза олиш. касбий лексика ва терминларни ишлата олиш; коммуникатив вазиятларда мавзуга оид бўлган лексикани ишлата олиш; интернационал сўзларни тушуниш ва қўллай олиш. мураккаб грамматик ва синтактик қурилмаларни коммуникатив вазиятларда қўллай олиш; боғловчи сўзларни тўғри қўллаш; мутахассисликка оид матнларни унинг мазмунини тушуниш мақсадида матни таҳлил қилиш.

7.5.3.13. Иккинчи чет тили:

Фонетик курси. Чет тилининг умумий товуш тизимининг таснифи. Талаффуз ва ўқиш коидаларининг хусусиятлари. Чет тилининг диалект хусусиятлари мисолида монологик ва диалогик намуналарини эшитиб тушуниш. Амалий грамматика. Сўз туркумларининг умумий таснифи, асосий ва ёрдамчи сўз туркумлари. Олмошлар, уларнинг турлари ва вазифалари. Сифатларнинг тавсифи, қиёслаш даражалари. Равишлар, қиёслаш даражалари. Сон, тартиб ва санок сонлар. Феъл. Феълларнинг тавсифи. Ўтимли ва ўтимсиз, асосий ва ёрдамчи феъллар, боғловчи феъллар. Феъл турлари. Шахс ва шахси номаълум феъллар: инфинитив.

Алоҳида мавзу бўйича оғзаки маъруза тузиш; мақола, маъруза, баҳс-мунозараларни аниқ ва равшан қилиб умумлаштириш; аниқ тизимга асосланган ҳолда қўшимча, етарли бўлган ҳолда ва таниш мавзу бўйича ўз фикрини ифода қила олиш. таниш ва нотаниш мавзу бўйича тузилган матнлардан асосий / керакли бўлган ахборотни, шахсий ва мутахассислик бўйича корреспонденцияларни (хат-хабарларни) тушуниш; диаграмма, схема, чизмаларни

кискача таърифни тушуниш; мураккаб бўлган маълумотларни идрок этиш; махсус, мураккаб бўлган ёзма йўриқнома ва қўлланмаларни тушуниш; касбга оид мақола ва маърузалардан керакли ахборотни ажратиб олиш; керак ёки нокераклигини аниқлаш мақсадида матнни у ёки бу қисмини синчиклаб ўқиш, конференция дастурларини ўқибтушуниш; махсус маълумотларни (тил юзасидан бўлган хатларни, маълумотларни, электрон хатларни) ёза олиш; эссе ва маърузаларни ёза олиш; аниқ мантиққа эга бўлган илмий мақолалар ва илмий тадқиқот ишларни ёза олиш; ёзма таклифлар, ҳисобот ва резюмелар туза олиш; битирув ишларни зарур бўлганда ёза олиш. касбий лексика ва терминларни ишлата олиш; коммуникатив вазиятларда мавзуга оид бўлган лексикани ишлата олиш; интернационал сўзларни тушуниш ва қўллаш олиш. мураккаб грамматик ва синтактик қурилмаларни коммуникатив вазиятларда қўллаш олиш; боғловчи сўзларни тўғри қўллаш; мутахассисликка оид матиларни унинг мазмунини тушуниш мақсадида матнни таҳлил қилиш.

7.5.3.14. Нархнинг шаклланиши ва жаҳон бозори конъюктураси:

Фирма даражасида баҳо шаклланишининг қонуниятлари. Нархларнинг микроиктисодий таҳлилининг (НМТ) асосий компонентлари. Рентабеллик таҳлили. Ишлаб чиқариш харажатлари графиги. Фирманинг мақсади. НМТнинг бозорга боғлиқлиги. Талабнинг нархга боғлиқ равишда ўзгарувчанлиги. Товар ҳаёт циклида нарх шаклланиши. Нарх шаклланишида валюта курслари ўзгаришининг таъсири. Нарх шаклланиши усуллари. Харажатлар таркиби ва тафсиқланиши. Тўла сарф-харажатлар усули. Юқори сарф-харажатлар усули. Нархларни калькуляция қилиш тартиби. Жаҳон товар бозорларида нархларнинг шаклланиши. Монополияларнинг нархларга таъсир кўрсатиши. Ишлаб чиқаришни тартибга солиш, замонавий картеллар чегарасида мувофиқлаштирилган ҳаракатлар. Давлатнинг нархларга таъсир кўрсатиши. Бевосита таъсир. Валюта курслари ўзгаришининг ташқи иқтисодий нархларга таъсири. Ишлаб чиқарувчидан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришда оралиқ босқичлар бўлишига кўра нархлар. Ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана нархлари. Жаҳон нархи тушунчаси ва шартнома нархларининг турлари. Нефть ва нефть маҳсулотлари нархлари. Товарнинг ташқи иқтисодий нархини белгилаш усуллари. Нархларни харажатлар асосида белгилаш усули. Чегаравий харажатлар усулини қўллаш амалиёти. Экспорт нархлари. Конъюнктура омиллари. Тайёр маҳсулотлар захираларининг ҳаракати. Ташқи савдо кўрсаткичлари. Экспорт ва импорт миқдорлари. Пул-кредит соҳаси кўрсаткичлари (акциялар курси, акциялар курси ўсишининг миқдори, ссуда капиталининг ўсиши). Буюртмалар ҳақида маълумот. Машина ва асбоб-ускуналар бозорларининг хусусиятлари. Кенг ва турли номенклатура; ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган соҳалар. Шартномаларнинг нархлари ҳамда етакчи фирмаларнинг таклифлари кўринишидаги нарх кўрсаткичлари. Улгуржи ва чакана нархларнинг индекслари. Машина ва асбоб - ускуналар бозори конъюктураси таҳлилининг хусусиятлари. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик моллари бозори. Савдо товар айланиши. Пахта ва дон (давлат буюртмаси доирасида), ёқилги - энергетика комплекси маҳсулоти, шунингдек, табиий монополия соҳаларида нархларни белгилаш ва тақсимлаш устидан давлат назорати.

7.5.4. Иқтисослик фанлари блокининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.4.1. Жаҳон иқтисодиёти:

Жаҳон иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари ва хусусиятлари. Жамият ривожланишида тадрижий ва инқилобий ўзгаришлар. Иқтисодий ўсишнинг жадаллашув сабаблари ва босқичлари. Фан-техника инқилоби ва унинг жаҳон иқтисодиёти ривожига таъсири. Жаҳон хўжалиги тузулмаси. Жаҳон иқтисодиётининг асосий таркибий ўзгаришлари. Жаҳон хўжалиги интеграциялашуви мазмуни, сабаби ва асосий босқичлари. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти ва хусусиятлари. Халқаро ишчи кучи миграцияси. Жаҳон иқтисодиётда иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва сабаблари. Ривожланаётган мамлакатлар учун умумий хусусиятлар. Жаҳон иқтисодиётда ЯИДнинг моҳияти ва хусусиятлари. Осиё-Тинч океани минтақаси. Минтақадаги иқтисодий

ривожланишнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиёти ўтиш характерига эга давлатларда мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг самарадорлиги, максаллари ва усуллари. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш. Ижтимоий тараққиётнинг умумий тушунчаси. Жамият фаровонлигининг ўлчови. Жаҳон иқтисодиётининг асосий марказлари.

7.5.4.2. Халқаро иқтисодий муносабатлар:

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалиги билан интеграциялашуви жараёни ва ташқи иқтисодий алоқаларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари. Халқаро савдо назарияси. Меркантилизм ва ташқи савдо. Мутлақ афзаллик вазияти ва ташқи савдо. Нисбий афзаллик вазияти ва ташқи савдо. Талабнинг ўзгариши ва халқаро савдо. Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатлари. Ташқи савдо сиёсати. Ташқи савдо сиёсатининг молиявий усуллари. Ташқи савдо сиёсатининг яширин усуллари. Савдо сиёсатининг ноиқтисодий усуллари. Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсати. Халқаро ишчи кучи миграцияси. Халқаро кредит. Тўғридан тўғри хорижий сармоялар. Валюта курслари ва тўлов баланси. Тўлов баланси. Валюта бозори. Валюта курслари турлари. Очиқ иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсат. Очиқ иқтисодиётнинг асосий макроиқтисодий боғлиқликлари. Ривожланаётган ва ўтиш даври мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқалари. Ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларнинг асосий хусусиятлари ва жаҳон ҳўжалигида тутган ўрни. Ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларда иқтисодий ислохотлар. Ташқи савдо алоқалари ислохотлари ва уларнинг натижалари ва социал – иқтисодий оқибатлари. Ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашуви муаммолари ва истикболлари.

7.5.4.3. Халқаро валюта-кредит муносабатлари:

Валюта тизими. Халқаро валюта ликвидлиги ва унинг элементлари. Халқаро валюта ташкилотлари. Миллий ва халқаро валюта тизимлари. Жаҳон валюта тизимларининг тараққиёти. Европа Марказий банки ва унинг фаолияти. Валюта сиёсатининг асосий шакллари. Халқаро валюта-кредит ташкилотлари. Тўлов баланси тушунчаси ва тамойиллари. Валюта бозорлари ва валюта операциялари. Тижорат банкларнинг халқаро иқтисодиётдаги роли. Воситачилик вазифаси, халқаро ҳисобларни олиб бориш. Тижорат банкларининг халқаро операциялари. Банк кафолатлари. Валюта ҳавф-хатарлари. Халқаро ҳисоб-китоблар, тижорат банкларининг корреспондент муносабатлари. Ташқи савдони кредитлаш ва халқаро кредит. Ташқи савдони кредитлашни анъанавий усуллари, халқаро кредит. Халқаро кредит. Тижорат банкларининг анъанавий ва ноъанавий операциялари. Ташқи савдони кредитлашнинг бошқа ноанъанавий усуллари. Халқаро лизинг. Экспорт лизинги ва унинг хусусиятлари. Акциялар чиқариш. Облигациялар чиқариш. Евровалюталар бозори. Жаҳон молия бозорлари ва уларнинг таснифи. Капитал бозори, халқаро пул бозори, уларнинг турлари ва фарқи. Векселлар, валюта ва банк кредитлари бозори, облигация ва акциялар бозори. Евроноталар, еврооблигациялар, евроакциялар, евровекселлар. *LIBOR* ставкалари ва уларни қўлланилиши. Кредит рейтинги ва уни аниқлаш.

7.5.4.4. Халқаро тижорат иши:

Халқаро тижорат операцияларининг турлари. “Халқаро савдо битимлари” тушунчасининг мазмуни; Халқаро битимларнинг таснифий белгилари. Контрагентларни таснифлаш халқаро тижорат операцияларининг субъекти сифатида. Жаҳон амалиётида фирмалар. Тадбиркорлар уюшмалари ва уларни турлари. Ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ва ташкилотлари. Халқаро тижорат операцияларини амалга ошириш усуллари. Халқаро тижорат амалиётини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солиш. Халқаро тижорат амалиётига доир умумий қоидалари ишлаб чиқиш. Халқаро савдо-сотик шартномалари тўғрисида БМТ конвенциялари ва унинг мазмуни. Экспорт-импорт операциялари: тартибга солиш ва статистикаси. Экспорт-импорт операциялари тушунчаси ва турлари. Экспорт-импорт операциялари тартибга солишнинг савдо-сиёсий воситалари. Экспорт-импорт операцияларини бошхона статистика ҳисоби ва уни унификация қилиш.

Икотермс халқаро тижорат терминлари. Олди-сотди контрактлари базавий шартлари. Томонларнинг турли базавий шароитларида ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Контрагентлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларда халқаро савдо битимларни тайёрлаш процедуралари ва техникаси. Олди-сотди контрактларни тузишга тайёргарлик кўриш. Экспорт битимларига тайёргарлик процедураси. Импорт битимларига тайёргарлик процедураси. Олди-сотди контрактларини тузиш. Халқаро савдода намунавий контрактлар. Ташқи савдода ҳужжатлаштириш. Тижорат битимларини расмийлаштириш. Савдо-воситачилик операциялари тушунчаси ва турлари. Қайта сотиш операциялари. Комиссион операциялари. Халқаро товар биржалари ва аукционларни ташкил қилиш техникаси. Халқаро товар биржалари. Халқаро аукционлар. Реклама ва кўргазма ишлари. Техник хизмат кўрсатиш тизими. Халқаро кўргазмалар ва ярмаркалар. Технологиялар билан халқаро айирбошлаш методология асослари. Лицензиялар билан халқаро айирбошлаш. Халқаро туризм операциялари. Халқаро франчайзинг ва унинг турлари. Халқаро факторинг ва унинг турлари.

7.5.5. Танлов фанлари

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиши ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.

7.5.6. Малака амалиёти

Талабалар амалиёти малакали халқаро-иктисодчиларни тайёрлаш бўлиб, у давлат ташкилотлари ва муассасалари, ташкилотлар ва қўшма корхоналарида ўтказилади.

Ўқув-танишув амалиёти

Ўқув-танишув амалиёти мобайнида талабалар иқтисодиёт соҳасида асосий чет тили бўйича амалий кўникмаларни ривожлантириш билан бирга ўқиш даврида олган назарий билимларини мустақкамлайдилар, турли ҳужжатлар тузиш бўйича касбий маҳоратларини ошириш, хизмат хатлари, таҳлилий ва молиявий ҳисоботларни ўрганишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

Давлат статистика органларида миллий давлат статистика тизимини, статистик ҳисоботлар шакллари ўрганадилар. Шунингдек, статистик ҳисобот шакллари орқали иқтисодий кўрсаткичларни, индексларни ҳисоблашни, турли статистик кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишларни таҳлил қиладилар ҳамда статистика органларидаги замонавий технологик жараёнлар билан танишиб уларни амалий жиҳатдан ўрганадилар.

Мутахассислик амалиёти

Бакалаврият талабалари ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш вақтида қўшма корхоналар, хорижий компаниялар ва корпорацияларда бизнесни бошқариш ва ташкил этишнинг замонавий тамойилларини ўрганадилар. Замонавий техникавий воситалар билан танишадилар ва ўрганадилар; иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўрганадилар; корхоналарида фойдаланиладиган ҳисоблаш техникаси билан танишадилар; ташкилий ва илмий-техникавий ҳамда техника ҳавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ўрганадилар.

Битирув олди амалиёти

Битирувчи амалиёт вақтида бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрланади; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустақкамлайди; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилади; ташкилотлар, муассасаларда ва корхоналарда йўналиш бўйича амалий кўникмаларини эгаллайди ҳамда битирув ишини бажариш учун материалларни тўплайди.

7.5.7. Битирув иши

Битирув иши мавзулари таълим муассасасининг ихтисослик кафедралари томонидан мутахассисларга талабгорларнинг талабларини, шунингдек, замонавий фан, техника, технологиялар ютуқларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Битирув иши мавзун иктисодий-амалий ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши мумкин.

Талабага битирув иши топшириги, одатда, у тўртинчи курсни тугатгандан сўнг берилади. Битирув иши умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича бешинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

8. Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар

8.1. Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

8.1.1. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иктисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иктисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши керак.

8.1.2. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғарақларда, талабаларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши керак.

8.1.3. Ўқув жараёнининг машғулотларини фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шакллари ўтказиш, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллаш назарда тутилиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши керак.

8.1.4. Талабалар ўқув юкласининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

8.1.5. ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

8.1.6. Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан(модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

8.1.7. Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машгулотларни камраб олиши керак.

8.2. Таълим дастурини татбиқ этилиши

5231100 - *Жаҳон иқтисодийети ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши керак.

Малака амалиёти замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИ ларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув иши (лойиҳаси) ни химоя қилади. Давлат аттестацияси мос курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалаврият таълим дастурининг мажбурий бўлаги ҳисобланади. У ўқув ва (ёки) ўқув-ишлаб чиқариш машгулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёрлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури ўқийдиганлар тўртта амалиётни – ўқув-танишув, ишлаб чиқариш, мутахассислик ва битирув олди амалиётларини ўтишини ўз ичига олади.

Ўқув-танишув амалиёти талабаларда иқтисодий соҳасида асосий чет тили бўйича амалий кўникмаларни ривожлантиришни ўз ичига олади ва ишлаб чиқариш амалиётни талабаларни турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий фаолиятини ўрганиш, корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш; бошқарув фаолиятини режалаштириш, менежмент тадқиқотларини ташкил этиш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини таҳлил этиш *кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган*. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва амалиёт ўтказилган корхона вакилларида таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти талабаларни давлат статистика органларида иш юритиш жараёни билан таништириш ва иқтисодий кўрсаткичларни, индексларни ҳисоблаш *кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган*. Ишлаб чиқариш амалиёти давлат статистика органлари тизимида ўтказилади. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларида таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Мутахассислик амалиёти талабаларнинг таълим олиш вақтида олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва касбий билимлари доирасини кенгайтириш ҳамда турдош соҳаларда фаолият юритиш *кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган*. Мутахассислик амалиёти ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи давлат идоралари тизими, адлия органлари, солиқ ва божхона тизими, банклар, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолият кўрсатувчи қўшма корхоналарда ўтказилади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларида таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Битирув иши олди амалиётида битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда бошқарувни ташкил этиш, менежмент тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқариш қўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

Битирув олди амалиётида талабалар битирув иши (лойихаси) учун материаллар тўплайдилар ва зарур изланишларни амалга оширадилар.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил этиши мумкин. Илмий тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга қўмаклашади. У битирувчини 9 (8) семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини касбий (махсус) циклнинг асосий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва химоя қилинишини, талабанинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув ишни кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутати.

Талабалар илмий тадқиқот ишининг ташкил қилинишида қуйидагилар билан таъминланиши керак:

–курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

–чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда талабаларни иш жойи билан таъминлаш;

–ОТМнинг АРМда мустақил илмий тадқиқот ишни олиб бориш имкониятини тақдим этиш;

–талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил этиш;

–талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа ОТМларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва қўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалаврият ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шугулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиликка жалб этилиши мумкин.

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир ўқиётган таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир ўқиётган ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи касбий циклнинг ҳар бир фани бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий адабиёт фонди охириги 10 йилда (гуманитар, иқтисодий ва иқтисодий циклнинг базавий фанлари учун – охириги 5 йилда) чоп этилган ҳамма цикллarning базавий

кисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар (камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

5231100 - *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ташқи иқтисодий фаолият)* таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитишнинг интерфаол методи;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;

- ўқитишни дифференциациялаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;
- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойиҳавий метод, тармоқли режалаштириш методи, ақлий хужум, ассоциограммалар методи ва ҳ.к.).

8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар машгулотлари ҳамда курс иши (лойиҳаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнгина қарши қондалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза (поток ёки гуруҳлар) аудиториялари билан;
- семинар ва амалий машгулотлари учун аудиториялар билан;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар билан;
- ўқув машгулотларида кўргазмаларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар билан;
- амалий машгулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;
- интернет тармоғидан фойдаланиш унун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари билан;
- семинар машгулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

9. Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

якуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоат назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан уларнинг меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21 – сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

9.4. Якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор–ўқитувчилар таркиби ва ўқув–ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

10. Эслатма

10.1. Олий таълим муассасасига:

- ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкмасини оширмасдан ўқув материални ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралигида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралигида ўзгартириш;

– ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Талабанинг битирув иш (лойиҳаси) мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

O'Z STANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
KAZORATI NI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

10.2. Курс ishлари (loyixalari) muayyan o'quv faoliatining bir turi sifatida k'uriladi va ushbu o'quv fanini o'zlashtirish uchun ajratilgan soatlar chegarasida bajariladi.

